Тошкент ҳақиқати

● № 5—6 (10.582—83).

1994 йил 21 январь жума

Сотувда эркин нархда

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШ БОШҚАРМАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ва назорат органлари фаолиятини тартибга солиш, ягона давлат солиқ ва божхона сиёсатини ўтказиш, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ бош бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси бош божхона бошқармасига айлантирилсин ва у Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитасига бўйсундирилсин.

Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари — бош божхона бошқармасининг бошлиғи лавозими таъсис этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари тугатилиб, улар ходимлари сонининг 50 фоизи Давлат солиқ қўмитасига берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси таркибида махсус тафтиш-назорат бошқармаси ташкил этилсин.

Махсус тафтиш— назорат бошқармасининг бошлиғи — давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари лавозими таъсис этилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси республика ҳукуматининг қарорларини мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 10 августидаги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 18 январь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ТАКЛИФЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Банк тизимини юқори малакали мутахассислар ва тажрибали раҳбарлар билан янада мустаҳкамлаш, банк ахборотини муҳофаза этиш, ижозат этилмаган ва маблағлар ўғирланишига сабаб бўладиган ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, шунингдек, бу соҳадаги коррупция, пораҳўрлик ва таъмагирлик ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш масалаларини юклаш тўғрисидаги таклифларни қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддат ичида амалдаги қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тақдим этсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

В. С. ҲАМИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ—ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бахтиёр Султонович Ҳамидов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири этиб тайинлансин ва шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 18 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Э. Ж. БОҚИБОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Эркин Жўраевич Боқибоев бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси молия вазири вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 18 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистон Республикасига расмий сафари якуни ҳақида

ҚЎШМА АХБОРОТ

Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаевнинг таклифига биноан 1994 йил 16 январь куни Президент И. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси давлат делегацияси Қирғизистон Республикасида бўлди.

Икки давлат раҳбарининг тўла ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган суҳбат ва музокараларида дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш, барча соҳаларда давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Президентлар бир-бирига ўз мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ҳақида ахборот бердилар. Иккала томонни қизиқтирган кўпгина масалалар муҳокама этилди. Томонлар Марказий Осиёда, Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигида юзага келган вазият, шунингдек бир қатор халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар пайтида Марказий Осиё раҳбарларининг 1993 йил январдаги Тошкент учрашувида эришилган келишувларининг муҳим аҳамияти қайд этилди. Бу келишув иқтисодий бирлашиш жараёнларини чуқурлаштиришда кенг истиқболлар очди.

Иккала давлат раҳбари давлатлар ўртасидаги мавжуд чегараларнинг дахлсизлигига риоя қилиш муҳимлигини алоҳида қайд этдилар. Марказий Осиёда, энг аввало тожик—афғон чегарасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш лозимлиги хусусида фикр билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича муҳим аҳдномаларга эришилди, иккала томон ҳам минтақа мамлакатларининг иқтисодий жиҳатдан бирлашиш жараёнига кўмак беришга ҳозир экани маълум қилинди.

Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаев Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 1994 йил 10 январь куни имзоланган ягона иқтисодий маконни барпо қилиш хусусидаги шартномага юксак баҳо бериб, томонларнинг розилиги билан Қирғизистон Республикаси ҳам бу шартномага қўшилишини баён қилди.

Ягона иқтисодий макон хусусидаги шартнома товармол, ҳар хил хизматлар, маблағ ва ишчи кучларининг шартнома иштирокчиси бўлган давлатлар ҳудудида эркин бўлишини, бу давлатлар ўртасидаги ўзаро келишилган ҳисоб-китоб-кредит, бюджет, солиқ, нарх, божхона ва валюта сиёсатини таъминлайди.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг иқтисодий имкониятларни бирлаштириш ҳақидаги янги қарори бу мамлакатлар фуқаролари чегарадан ўтаётганида уларнинг юкларини божхона текширувидан ўтказишни, шунингдек божхона божларини бекор қилишни ҳамда солиқлар, тўловлар ва бошқа турдаги чеклашларни камайтиришни кўзда тутади. Ўзаро тўловларнинг ўтишини осонлаштириш мақсадида, бу мамлакатларнинг Марказий (миллий) банклари пойтахтларда клиринг палаталарини, ўз мамлакатларининг бошқа шаҳарларида бу палаталарнинг филиалларини, шунингдек валюта алмашув пунктларини очади.

Томонлар ягона иқтисодий макон барпо қилиш ҳақидаги шартнома мустақил давлатлар ҳамдўстлигида иқтисодий иттифоқ тузиш ҳақидаги шартномага тўла мос келишини ҳамда мустақил давлатлар иқтисодий жиҳатдан бирлашувининг янги босқичи бўлишини алоҳида қайд этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ягона иқтисодий макон барпо қилиш ҳақидаги шартноманинг барча учун очиқлиги мустақил давлатлар ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтириш ва самарали иқтисодий муносабатларни ривожлантириш йўлидаги муҳим омил эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида 1994 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақида. 1994 йилда ўзаро ҳисоб-китобларни ташкил этиш ҳақида, маданият, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, туризм ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳақида битимлар, савдодан ташқаридаги тўловлар ҳақидаги битимга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида протокол имзоланди.

Томонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида келишиб олдилар. Шу муносабат билан 1994 йил 11 январь куни Нукус шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси раҳбарларининг конференциясида Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича қабул қилинган қарорларнинг муҳимлиги алоҳида қайд этилди. Бу қарорлар шу соҳадаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган.

Музокаралар пайтида икки дўст мамлакат ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий асосни янада ривожлантириш ҳақида келишувга эришилди.

Маънавиятни қайта тиклаш «Руҳоният» халқаро уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти, атоқли сиёсат ва давлат арбоби И. Каримовнинг фаолиятини муносиб баҳолаб, Марказий Осиё халқлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишга қўшган катта ҳиссаси учун унга «Халқлар ўртасидаги тинчлик ва тотувлик учун» медалини топширди.

Томонлар сафар натижаларидан қаноат ҳосил қилиб, бўлиб ўтган амалий ва самарали музокаралар икки қардош халқ ўртасидаги тарихий дўстлик, аҳиллик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар АКАЕВ.

Бишкек шаҳри, 1994 йил 16 январь.

• Тошкент ва пойтахт вилояти:

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

БУГУНГИ КУНДА ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ЎРТАСИДАГИ МУСТАҲКАМ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРСИЗ ХЎЖАЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИБ БЎЛМАЙДИ

Тошкент ва пойтахт вилоятн ўтган йилнинг охирида ўзаро ҳамкорлик ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида қатъий қадам қўйди, хўжалик фаолиятнинг турли жабҳаларида ҳамкорлик қилишнинг асосий йўналишлари юзасидан келишиб олинди. Биргаликдаги чора-тадбирларнинг ҳар томонлама пухта ўйланган, аниқ дастурини ишлаб чиқишга ҳам ўшанда қарор қилинганди. Махсус ишчи гуруҳ бу муҳим ҳужжатни икки ҳафта ичида тайёрлаб, ўз таклифларини муҳокамага ҳавола этди. Муҳокамадан сўнг дастур маъқулланди ва Тошкент шаҳри ҳамда пойтахт вилояти ҳокимлари А. Фозилбеков билан М. Икромов ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник қўшма ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Албатта, пойтахт вилояти ва Тошкент шаҳри ҳақида гап борганда «ҳамкорлик», «яқинлашув», «шартнома» нборалари ғалати туюлиши мумкин. Бироқ бу ҳаёт воқелигни тақозо этаётган заруратдир. Хўжаликлараро алоқалар кейинги пайтларда фақат жумҳуриятлар ўртасидагина бузилиб қолмади Бу нималарга олиб келганини ҳаммамиз ҳис этиб турибмиз. Дўконларнинг ҳувиллаган пештахталари, саноат корхоналари ишидаги узилишлар, нарх-наво...

Ҳолбуки, яқин вақтгача манзара бутунлай ўзгача эди Қишлоқ аҳли дала ва боғларда етиштирган ноз-неъматларини шаҳарликлар билан баҳам кўрганларини, улар эса ўз навбатида техникани таъмирлашда, ҳосилни йиғиштириб олишда, чорвачилик фермаларини қуришда қишлоқдаги биродарларига кўмаклашганларини яхши эслаймиз. Бундай алоқалар амалда мустаҳкам бўлиб чиқмади. Бу тушунарли Чунки у маъмурий-буйруқ бозлик тизимига мансуб бўлиб, бозор муносабатларига ўтила бошлаииши биланоқ дарз кетди.

Ҳозирги алоқалар эса аввалгисидан тубдан фарқ қиладн. Улар ўзаро фойдали бўлиб, ортиқча дабдаба ва хўжакўрсин каби нуқсонлардан ҳоли, бозор иқтисодиёти талабларига зид эмас, аксинча уннг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам беради.

Бу нарсага Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн тўртинчи сессиясидаги нутқи ижобий туртки бўлди. Жумҳурият Президентининг ўша нутқида халқ хўжалигн аҳволига объектив баҳо берилди, камчиликларнинг сабаблари очиб ташланди, бундан буёнги иқтисодий янгиланишларнинг асосий нуқталари аниқлаб берилди. Ютуқларни қайд этар экан, Президент ижтимоий, жумладан, ишга жойлашиш, ишбилармонликни ривожлантириш, маҳаллий хом ашёдан халқ истеъмолн моллари ишлаб чиқариш ҳисобига матлубот бозорини кенгайтириш соҳаларидаги мавжуд муаммолар кўпгина туманларда суст ҳал этилаётганлиги таъкидланди. Вужудга келган бундай вазиятдан чиқиш эса кўп жиҳатдан ҳокимларга, уларнинг масъулиятни ҳис эта билишларига, қатъийликларига, бозор иқтисодиёти қонунларини қай даражада билишларига, ишбилармонликни ривожлантирга олишларига боғлиқдир.

Тошкеит шаҳри ва пойтахт вилояти ҳокимлари юртбошнмиз нутқидан ўз вақтида хулоса чиқардилар ва етилган масалаларни ҳал этишга киришдилар. Бир-бирларининг имкоинятларини зудлик билан аниқлаб олиб, дарҳол амалнй ишларга ўтдилар. Ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги алоқаларни назарда тутади. Қишлоқда Тошкентдагн йирик индустрия корхоналарининг филиалларинн, кичик корхона тармоқларини вужудга келтириш мўлжалланмоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари эса шаҳарликларни дала ва боғ неъматлари, чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилайдилар.

Тошкент шаҳрн ва пойтахт вилояти туманлари ҳокимлари узвий алоқалар ўрнатдилар, минтақани ривожлантириш йўлларини белгиладилар. Бу алоқалар ҳаётнинг турли жабҳаларини қамраб олади. Асосий мақсад —иқтисодий янгиланишларни жадаллаштиришга, одамлар турмуш шароитинн яхшилашга, зарур маҳсулот ва хизматлар билан таъминлашга кўмаклашишдир.

Ҳокнмият идораларн раҳбарлари имзолаган шартномани қандай баҳолайдилар?

Тошкент вилоятн ҳокими Мирзамурод ИКРОМОВ:

— Бир-биримизга қўл берганлигимизнинг дастлабки самарасини аҳоли ҳозирданоқ ҳис қила бошлади: қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш кўпайди, пойтахтда дала ва боғ неъматлари ярмаркалари бўлиб ўтди. Тошкеит корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари қишлоқда кичик цехлар очишни таклиф этдилар, янги лойиҳа ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда, муҳандислик иншоотларини ётқизишда ёрдам беражакларини айтдилар. Шундай қилиб, битим аллақачон ишлай бошлади. Зеро, шаҳар ва вилоят — яхлит жисм, улар бир-бирларидан айри ҳолда яшай олмайдилар. Энг муҳими эса бундай алоқалардан, аввало, оддий кишнлар манфаатдордирлар. Улар бир-бирларисиз иқтисодиётни кўтариш оғнр бўлишини тушунадилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон президентлари яқинда имзолашган шартномани биз ҳаммамиз мамнуният билан қарши олдик. Унда ягона иқтисодий кенгликни вужудга келтириш назарда тутилган. Бу билан ўзаро фойдали интеграцияга, капитал, маҳсулот ва ишчи кучларининг эркин жойлашишига йўл очилади, келишилган кредит ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх-наво, божхона ва валюта сиёсати таъминланади. Тошкент тумани ва Тошкент шаҳриннг Қозоғистоннинг қўшни минтақалари билан ҳамкорлнк қилишининг истиқболи шартнома доирасида яққол кўринib турибди. Вақтинчалик қийинчиликларни ҳамкорлнкдаги саъй-ҳаракатларимиз билан енгиб, иқтисодий янгиланишлар жараёнини тезлаштира оламиз.

Тошкент шаҳар ҳокими Адҳамбек ФОЗИЛБЕКОВ:

— Бугун биз имзолаган шартноманинг муҳимлигини баҳолаш қийин. У ҳаётимизнинг турли жабҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз сари кенг йўл очади. Эндиги муҳим вазифа —белгиланган тадбирларнинг қоғозда қолиб кетмай, тез орада амалий ишларимизда ўз аксини топишидир. Пойтахт ва вилоятдаги кўпгина ҳокимиятлар шартномани бажаришга киришдилар. Масалан. Мирзо Улуғбек туманнинг олайлик. У Қибрай тумани билан чегарадош, бир неча ўн йиллардан бери хўжалик ришталари давом этиб келади. Энди қўшнилар эски алоқаларни янада чуқурлаштирмоқдалар. Қишлоқ аҳли сабзавот дўконлари қурадилар, «Ўзбекхлопкомаш» ишчилари эса жамоа ва давлат хўжаликларида чорвачилик фермалари қурадилар, қўрғонларда саноат корхоналарининг филиаллари очиладн, бу кўплаб ёшларни иш билан таъминлаш имконини беради. Келажакда эса икки туманни туташтирган чегарада Дўстлик шаҳри қад ростлайди. Унда қишлоқ ва шаҳар аҳли ёнма-ён яшайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Буларнинг ҳаммаси амалга ошадиган режалар бўлиб, вилоят ва пойтахтнинг улкан илмий-техник, саноат ва хўжалик салоҳиятига асосланган. Бундай алоқалар шаҳар учун ҳам, қишлоқ учун ҳам бирдек керак. У одамларни иш билан таъминлайди, ўз иқтидорларини намоён этиш имконини беради.

Жанубий Қозоғистон вилояти маъмурияти бошлиғининг муовини Ўрозгул Асангазиева учрашув қатнашчиларини қизғин қутлади ва самимий истаклар изҳор этди.

Шартномани имзолаш маросимига бағишланган ҳокимлар учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умрзоқов иштирок этди.

Абдувоҳид ҲОТАМОВ, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» мухбири.

Даврон Аҳмад олган сурат.

(«Халқ сўзи», 19 январь).

• Вилоят ҳокимлигида

ХОТИРЖАМЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

Вилоят ҳокимлигида кенгайтирилган кенгаш бўлиб, унда фуқаро мудофаси хизмати ҳамда пойтахт вилояти туман ва шаҳарлари мудофаа ишлари бўйича бўлимларининг ўтган йилдаги иш натижалари якунланди, 1994 йил вазифалари белгиланди.

Кенгашни Тошкент вилояти ҳокими М. Б. Икромов олиб борди.

Вилоят ҳокимлигининг бўлим мудири Н. Григорьев кенгаш қатнашчилари эътиборини айрим туман ва шаҳар бўлимлари фаолиятига тез бўлган нуқсонларга қаратди.

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи П. Ражабов ёшларни Ўзбекистон қуролли кучларида хизмат қилишга тайёрлашнинг муҳим муаммолари ҳақида муфассал тўхталди. Жорий ва истиқболдаги вазифалар аниқ белгилаб олинди.

Вилоят ҳокими М. Б. Икромов [illegible] бир раҳбардан, унга бўйсунувчилардан интизомга қатъий амал қилишни талаб этиш зарурлигини таъкидлади. Бусиз фуқароларнинг хотиржамлиги ва хавфсизлиги кафолати бўлган бу муҳим ишни сифат жиҳатидан яхшилаш мумкин эмас.

Бу муҳим ишга муносиб ҳисса қўшган алоҳида ходимларнинг хизматлари ҳам тақдирланди, уларга ташаккурномалар эълон қилинди, фахрий ёрлиқлар, қимматли

ЧИРЧИҚ—ЎРТАЧИРЧИҚ:

ЎЗАРО АЛОҚА КУЧАЯДИ

ЯҚИНДА чирчиқлик бир гуруҳ саноатчилар Ўртачирчиқ туманига ташриф буюрдилар. Улар ўртачирчиқлик ишбилармонлар донраси вакиллари билан ҳамкорликда ушбу туманда 10 та қўшма кичик корхона ташкил этишга келишиб олдилар. Ана шу ҳамкорлик шартномасида кўзда тутилган режалар амалга ошгудек бўлса, туманда яна 500 қўшимча иш жойи очилади. Жойларда эса маҳсулот ишлаб чиқаришнинг хилма-хил турлари вужудга келади.

Дастлабки маълумотларга кўра, «Қорасув» жамоа хўжалигида Чирчиқ пойабзал фабрикасининг 60 ўринли филиали, «Янги турмуш» жамоа хўжалигида Чирчиқдаги «Ғунча» болалар кийимлари тикиш фабрикасининг 40 ўринли филиаллари ишга туширилади. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси эса «Гулистон» жамоа хўжалигига бир гектар майдонда иссиқхона қуриб беради ҳамда хўжаликдаги пахта тозалаш заводи қурилишини ниҳоясига етказишга кўмаклашади.

«Ўзбекхиммаш» заводи шартномага мувофиқ «Истиқбол» жамоа хўжалигида бир гектар ерда иссиқхона ва мева қуритиш цехи бунёд этади. Ҳамкорликнинг бундай янгича усулига ўртачирчиқлик ишбилармонлар катта қизиқиш билан қарамоқдалар.

Усмон АЛИ.

ИҚТИСОДИЁТДА ЁШЛАР ЎРНИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

БОЗОР муносабатлари таркиб топаётган ўтиш даврида иқтисодий ислоҳотни изчил амалга оширишда истиқлол эгалари — ёшларнинг мустаҳкам ўрни бўлиши керак. Куни кеча Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят қўмитасининг пленумида бош мавзу қилиб ана шу масала кўтарилди. Унда сарлавҳа қилиб Наима Жабборова маъруза қилди. У ўтган йил давомида қилинган ишларни таҳлил қилар экан, талайгина ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам йўл қўйилганлигини таъкидлади. Хусусан, ёшларга оид давлат сиёсати ҳақидаги Республика Қонунининг асосий йўналишларида қўйилган катта вазифаларни амалга оширишда жойлардаги ёшлар ташкилотларида қатъийлик етишмади. Гарчи ушбу қонунга мувофиқ вилоят туман ва шаҳарларида ёшлар иши бўйича кенгашлар ташкил этилган, уларнинг муаммоларини бир қадар ҳал этиш мақсадида жамғарма тузилган бўлсада, жойлардаги масъул кишиларнинг эътиборсизлиги туфайли катта имкониятлар бой берилди. Айниқса, Пискент, Бўка, Қуйичирчиқ, Зангиота туманларида, Янгиобод, Олмалиқ шаҳарларида ёшлар билан ишлаш талаб даражасида эмас.

Нотиқ шунингдек, эътиборни яна бир қанча ўта муҳим масалаларга қаратди ва ўзининг танқидий нуқтаи назарлари билан ўртоқлашди. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маҳаллаларда тузилган оқсоқол кенгашларига ёшларни жалб этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалалари шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалигида банд бўлган ёшлар билан ишлаш оқсаётганлиги алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат вилоятимизда қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд бўлганларнинг қарийб 70 фоизини ёшлар ташкил этади. Демак ўтган йилги пешона тери эвазига етиштирилган ноз-неъматларнинг асосий қисмининг қор тагида қолиб кетишида ёшларнинг ҳам айби катта. Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. Илгари қишлоқ хўжалигида мусобақалар ташкил қилинар, ёшлар вақти-вақти билан рағбатлантирилиб борилар эди. Бу эскича муносабатга қайтишга даъват эмас. Давр руҳиятидан келиб чиқиб мусобақаларнинг янгича замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва бунга ишбилармонларни жалб этиш мумкинку. Сўзга чиққанларнинг кўпчилиги ҳам бу борада ўз истак, таклиф ва мулоҳазаларини баён қилди. Уларда шунингдек, ёшларнинг долзарб муаммолари ўз ифодасини топди. Айниқса, Янгийўл тумани ёшлари сардори Рустам Қосимовнинг ер масаласида кўтарган муаммоси қатнашчилар эътиборини тортди.

Пленум ишида вилоят ҳокими М. Икромов қатнашди ва нутқ сўзлади.

— Пойтахт вилоятининг аввалги қудрати, катта иқтисодий салоҳиятини тиклаш сиз ёшларнинг зиммангизга ҳам катта вазифалар юклайди,— деди у.— Бироқ, нима учун ҳозирги ёшларда фидойилик етишмаяпти. Бу ёшларга хос бўлмаган одат. Қани биздаги ташаббускорлик?! Айниқса, ҳарбий хизматдан бўйин товлаётган ёшларни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Қочоқлик йигит шаънига доғ. Мустақил она юртимизнинг ўғлонлари мард ва паҳлавон бўлиши керак. Демак, жойлардаги тарбиявий ишларни кучайтириш, спорт майдончалари яратиш лозим бўлади. Бу дегани соғлом авлод камол топди демак. Унинг асл моҳиятида эса фаровонлик ётибди. Келинглар, юртимиз бўй-бастини ростлаётган бир пайтда қўлни-қўлга бериб меҳнат қилайлик.

Пленумда шунингдек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби А. Саидов, вилоят ҳокимининг муовини Ҳ. Ҳамидов, ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов, Ўзбекистон ЁИМҚ котиби Ғ. Раҳимшиқовлар қатнашдилар.

Х. ШАФОАТОВ.

• *Сайёр семинар*

КЎРИШДИ, ЎРГАНИШДИ

Минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши! Халқимизда шундай ажойиб нақл бор. Вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси ташкил этган семинарда қатнашар эканмиз, худди шу мақол кўнглимиздан ўтди. Уюшма чорвачилик, қўшма ва кичик корхоналарни ривожлантиришга бағишлаб куни кеча ўтказган бу тадбир унинг иштирокчиларида яхши таассурот қолдирди.

Кўргазмали семинар қишлоқ иқтисодиётининг рангбаранг соҳаларини қамраб олган эди. Унда вилоятдаги барча шаҳар ва туманлар ҳокимлари, бош зоотехниклар, бош ветврачлар, тадбиркорлар, вилоят мева-сабзавот уюшмаси, вилоят қишлоқ хўжалик таъминоти ва таъмирлаш бирлашмаси, вилоят деҳқончилик саноати уюшмасининг раҳбар ходимлари, мутахассислари қатнашдилар.

Кўргазмали семинар қатнашчилари бевосита туманлар ва қишлоқларда бўлишиб, тадбиркорлик анча намунали йўлга қўйилган хўжаликлар, хусусий фермерлар, қўшма ва кичик корхоналар иш тажрибаси билан танишдилар.

Дастлаб Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли халқ корпорациясининг байналмилал меҳнат жамоаси ҳузурига ташриф буюрилганлиги ҳам бежиз бўлмади. Бу корпорация қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйишда анчагина тажриба орттирган. Унинг таркибида жамоа хўжалигидан ташқари ўнга яқин кичик корхоналар ишлаб турипти. Бундан корпорация жамоаси катта фойда олмоқда, ишчи-хизматчиларни, деҳқонларни ижтимоий муҳофаза қилишдаги натижалар ҳам чакки бўлмаяпти.

Семинар қатнашчилари корпорациянинг тикувчилик, трикотаж, шойи тўқиш, ип йигирув, пайпоқ тўқув, ёғмой цехлари, вилоятдаги жамоа хўжаликлари ичида биринчи бўлиб ишга туширилган пахта тозалаш корхонаси ишлари билан яқиндан танишдилар. Корпорация раиси Турғун ака Мадиёров бу ишлаб чиқаришнинг барпо этилиши тарихи, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар тури, келтираётган иқтисодий самараси ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берди. Семинар қатнашчиларини қизиқтирган барча саволларга муфассал жавоблар қайтарди.

Семинар қатнашчилари тумандаги қатор бошқа қўшма кичик корхоналар, хусусий фермаларда ҳам бўлишди. Жумладан, улар Станиславовлар оиласи тузган хусусий нутрия мўйначилик фермаси, «Бегим» ҳиссадорлик жамияти, «Нур» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон—Туркия, Ўзбекистон—Болгария қўшма корхоналарда ишнинг йўлга қўйилиши, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари билан яқиндан танишдилар.

Кўргазмали семинар қатнашчилари куннинг иккинчи ярмида Пискент ва Бекобод туманларида чорвачилик соҳасидаги илғор иш усулларн билан танишдилар. Улар «Пискент» жамоа хўжалигидаги сут-товар фермасида ёш бузоқларни совуқ шароитда боқиш бўйича хўжалик бош зоотехниги А. Югайнинг, Бекобод туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалиги раиси У. Иссабоевнинг ҳар бир соғувчи соққан сутнинг ёғлилик даражасини аниқлаш, ёш бузоқларни совуқ шароитда парвариш қилиш ҳамда сунъий қочиришнинг аҳамияти ҳақидаги суҳбатларини тингладилар ва ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Вилоят ҳокими М. Икромов семинарга якун ясади.

Семинар ишида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Э. Рўзиев қатнашди.

Д. АҲМЕДОВ.

СУРАТЛАРДА: семинар қатнашчилари халқ корпорацияси, қўшма ва кичик корхоналар фаолиятлари билан танишмоқдалар.

Муаллиф суратлари.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ XIV СЕССИЯСИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ТИКУВ ЦЕХИ

Ўтган йили декабрь ойида бўлиб ўтган Тошкент вилояти кенгаши сессиясида республикамиз Президенти И. А. Каримов чет эл сармоядорлари билан қўшма корхоналар ташкил этишдек муҳим масалага вилоятнинг кўп шаҳар ва туманларида етарли эътибор берилмаётганлигини таъкидлади. Ҳозиргача мавжуд бўлган 54 қўшма корхона рўйхатдан ўтган бўлса-да, уларнинг атиги 13 таси фаолият кўрсатаётганлиги, қолганлари эса ҳали иш бошламаганлигини, бинолар бўш ётганлигини ҳақли равишда кескин танқид қилди.

Сессия материалларидан хулоса чиқарган бир қатор туманларда янги ишчи жойларини очишга киришилмоқда. Хусусан, бир неча йилдан буён қўшма корхоналар, кичик корхоналар ташкил этиб, кўплаб ишчи жойларини очган Ўртачирчиқ туманида бу йўл ҳамон изчиллик билан давом этмоқда.

Яқинда туманнинг «Роватак» жамоа хўжалигида район маҳаллий саноат комбинати 20 ишчи ўринга мўлжалланган тикув цехини очди. Ойига беш миллион сўмлик халқ истеъмол моллари тайёрлайдиган бу кичик корхонада асосан аёллар учун миллий кийимлар тикилмоқда. Шу хўжаликда январь ойининг бошида очилган гилам тўқиш цехида ишлаётган олти нафар қўли гул усталар ҳам биринчи гиламни тўқиб топширишди.

— Бундай кичик корхоналарни келгусида бошқа хўжаликларда ҳам очишни кўзда тутганмиз, — дейди туман маҳаллий саноат комбинати директори Иззатилла Мухсумов, — мавжуд цехларда эса маҳсулот турларини кўпайтиришга эътибор кучайтирилади. Кичик корхоналарнинг кўпайиши қўшимча иш жойларини ташкил қилиш соҳасида йўл қўйилган камчиликлар, нуқсонларни бартараф этиш, қишлоқларимизни саноатлаштириш имконини беради.

Туман маҳаллий саноатчилари бу йил 394 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрлашни режалаштиришган. Айни пайтда улар қўшимча ишчи жойларнни кўпайтира бориш ҳисобига бу кўрсаткични 510 миллион сўмга етказиш ниятидалар.

С. ҲАСАНОВ.

ҚЎШИМЧА ИШЧИ ЎРИНЛАРИ

ПАРКЕНТ деганда кўз ўнгимизда уфққа туташиб кетган боғлар, узумзорлар пайдо бўлади. Бу туман шу соҳалари билан эл оғзига тушган. Кейинги йилларда етиштирилаётган меваларни қайта ишлаш юзасидан кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун янгидан янги ишлаб чиқариш жараёнлари яратиляпти. Натижада, биринчидан, деҳқончиликнинг саноатлашиш даражаси ошмоқда, илгари ҳом ашё сифатида юборилиб,кам даромад берадиган ноз-неъматлар қайта ишланиб, тайёр маҳсулот сифатида жўнатилиб, тушадиган сармояни кўпайтираётган бўлса, иккинчидан шу вақтгача ижтимоий меҳнат билан банд бўлмаган фуқароларни иш билан таъминлаш имконини беряпти.

Шу вақтгача шароб заводида шишаларга вино қуядиган фақатгина битта линия ишлар эди. Бундай ичимликнинг анчагина қисми бочкаларда бошқа заводлар, буюртмачиларга юборилади. Албатта бу тайёр фойда олиш имконидан маҳрум бўлишдек, гап эди. Шуни ҳисобга олиб яқинда корхонада яна битта линия ишга туширилди. Русиядан келтирилган сменада 20 мингта шишага шароб қуйиляпти. Бу жамоа олаётган даромад, фойданинг кўпайишига олиб келади. Энг муҳими, заводда янги йигирмата ишчи ўрни юзага келди. Шу туфайли корхонага қўшимча ишчи кучлари жалб қилиниб, ўнлаб меҳнаткашларга иш берилди.

Заводда янги ишчи ўринларини барпо этиш бўйича қатор бошқа чоралар ҳам кўрилмоқда. Чунончи, бу ерда Москвадаги шампан шароби заводи билан қўшма корхона барпо этилмоқда. У ҳар йили 5 миллионта шиша шундай сарҳуш ичимлик ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Бунинг учун махсус линия ўрнатиляпти. Уни йилимизнинг биринчи чорати охирларигача ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, корхонада ҳозирги вақтда жуда ҳам камёб бўлиб қолган маҳсулот — спирт чиқарадиган қувватлар барпо этилади. У йил охиригача фойдаланишга топширилади. Шундай қилиб янги ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш учун юзтага яқин иш ўринлари ташкил этилади. Демак, бу ерда кўплаб паркентликлар иш билан таъминланадилар.

ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ БЎЛМАСИН

КУНИ кеча вилоят ижтимоий таъминот бошқармасининг «1993 йилги иш якунлари ва 1994 йилда амалга ошириладиган асосий вазифалари» мавзуида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Шаҳар, туман ҳокимлари муовинлари, ижтимоий таъминот бўлими мудирлари иштирок этган йиғилишни вилоят ҳокими муовини Ҳ. Ҳамидов олиб борди. Кун тартибига киритилган асосий масала юзасидан бошқарма бошлиғи Н. Назиров маъруза қилди.

У республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бешта асосий тамойилларидан бири —кучли ижтимоий сиёсат юритиш эканлигини таъкидлаб, 1993 йилда вилоятда бу борада олиб борилган ишлар ҳақида ахборот берди. Айни пайтда вилоятимизда нафақа олувчилар сони 320 минг кишини ташкил этади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, нарх-навонинг кескин ошиб бориши сабабли нафақалар миқдори 7 марта ошириди. Ёки нафақахўрлар, ногирон, кўп болали оилаларга қарийб 47 миллиард сўм нафақа берилди. Биргина ўтган йилда 44 минг кишига нафақалар белгиланди ва қайта тайинланди. Бироқ ана шу жараёнда талайгина нуқсонларга ҳам йўл қўйилди. Хусусан, жойларда кишиларга асоссиз равишда нафақа тайинлаш ҳолатлари аниқланди. Тегишли чора-тадбирлар кўрилиши туфайли бундай камчиликларга барҳам берилди.

Нотиқ асосий эътиборни аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларига зарур ёрдам кўрсатиш масалаларига қаратди. Бу бежиз эмас албатта. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар олдида аввалгидек юқоридан кўрсатма кутиб туриш одобдан эмас. Бироқ республикамизда кучли ижтимоий сиёсат юргизиш учун амалий ҳаракатлар бошланган бир пайтда вилоятимизда ана шу соҳанинг масъул ходимлари ўз ишларига бефарқ қарамоқдалар. Ўтган йилги таҳлил шуни кўрсатдики, вилоят бўйича ногиронлик 33 фоизга ошди. Буни нима билан изоҳлаш мумкин? Нотиқ унинг туб илдизи жойларда ижтимоий таъминотнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш ёмон аҳволдалигида деб таъкидлади. У ёлғиз қарияларга ҳар ойда бепул бериладиган озиқ-овқатлардан уриб қолиш ҳолатлари ҳам учраб турганлигини таъкидлади. Бўка, Чиноз, Бекобод туманларида меёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари эса ўз вақтида берилмаяпти.

Маърузачи шунингдек кадрлар тайёрлаш, меҳнат биржалари билан ҳамкорлик, тиббий меҳнат экспертизалари, почта хизматларига оид камчиликлар хусусида ҳам тўхталиб ўтди ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирларини биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этди.

Ҳисобот юзасидан музокараларда Янгийўл шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудири Г. Рихсиева, Бекобод шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудири А. Дигай, Оҳангарондаги қариялар уйи директори Э. Оқилов, Ангрен шаҳар тиббий меҳнат экспертизаси раиси У. Қорабоев, вилоят меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Т. Холбоев, «Ўзбекпочта» вилоят бўлимининг бошлиғи М. Ёқубовлар қатнашдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири Б. Умрзоқов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛИШДИ

ЎН ИККИНЧИ чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессияси материаллари, унда республикамиз Президенти И. А. Каримов сўзлаган ёркин нутқи вилоятимизнинг барча меҳнаткашлари қатори ёшларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Чунки, бу сессия демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлида залворли одим бўлди. Айниқса, Ўзбекистон Олий Мажлисига сайловлар ўтказиш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши ёшлар иттифоқи ташкилотлари олдига ҳам катта вазифаларни қўйди.

Улар сессия ҳужжатларини тарғиб қилишлари, бунинг учун, аввало, ўзлари уларнинг мазмуни ва моҳиятини олдинга сурилган ғояларни чуқур билишлари лозим.

Куни кеча вилоят ёшлар Иттифоқи қўмитасида шу масалага бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партиявий иш ва партияларо алоқа бўлими мудири К. А. Жуманиёзов қисқача кириш сўзи билан очди. Кенгашда қатнашган вилоятдаги барча шаҳар ва туман ёшлар иттифоқи қўмиталарининг биринчи котиблари, вилоят ёшлар иттифоқи қўмитаси аъзолари ҳозирги вақтда Ўзбекистон Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги Қонунни барча фуқаролар, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, бу хусусда ўз олдиларида турган вазифалар хусусида маслаҳатлашиб олишди, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Кенгашда вилоят ёшлар иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби Н. Жабборова қатнашди.

ВИЛОЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ЙИҒИНИ

Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитасининг Пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Тошкент тиббиёт-педиатрия институти кафедрасининг мудири, профессор С. С. Азизова вилоят хотин-қизлар комитетининг раиси этиб сайланди.

Пленумда вилоят ҳокимининг ўринбосари Б. Маҳситов ва республика хотин-қизлар қўмитаси раисасининг ўринбосари Д. Қобулова иштирок этдилар.

• *Қонун ҳамма учун баробар*

БЎЛИНИШМАС, БИРЛАШМОҚ КЕРАК

А. МАННОНОВ,

вилоят прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси.

БОЗОР муносабатларига ўтиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқ хўжалигини янада жадал ривожлантиришга, қишлоқ хўжалиги соҳаларида моддий ноз-неъматлар етиштиришни кўпайтиришга қаратилган муҳим Фармонлар қабул қилинди. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси жамоа хўжаликларининг намунавий Уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ҳам катта воқеа бўлди. Унда шу нарса алоҳида таъкидланадики, жамоа хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий бўғинларидан бири бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқда ишлаб чиқарувчи кучлардан унумли фойдаланишни, меҳнат унумдорлигини янада ўстиришни, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришга хизмат қилишини, жамоа хўжалиги аъзоларининг манфаатларини умумхалқ манфаатлари билан узвий боғлаб боришни таъминлаши лозим.

Ҳозир жойларда ташаббус кўрсатиб, янада баракали ишлаш учун катта эркинликлар берилмоқда, имкониятлар яратилмоқда. Илгаригидек ишлаб чиқариш кучларига юқоридан тазйиқларга чек қўйилди. Бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири—астойдил меҳнат қилиб, кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, эл-юрт дастурхонини тўкин-сочин қилишдан иборат. Жуда кўп жамоа хўжаликлари худди шу йўлдан бормоқдалар, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Лекин афсус билан шу нарсани таъкидламоқчимизки, айрим жойларда баъзи раҳбарлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, Президентимиз Фармонларининг бажарилишини янада яхшироқ таъминлаш ўрнига мансаб-лавозим талашиш, ер-ғил-елпи обрў орттириш йўлига тушиб қолганлар. Кейинги вақтларда жамоа хўжаликларининг раислиги лавозимига ўз шахсий манфаатини кўзловчи, баъзи иллойиқ кимсалар ўрнашиб олаётган ҳоллар ҳам учрайди. Фикри саёз, мулоҳазаси тор бундай кишилар одамларни бир оила фарзандларидек бирлаштириш, бирлашиб ҳалол меҳнат қилишга ундаш ўрнига ўзлари тарафкашлик, маҳаллийчилик билан шуғулланмоқдалар. Баъзи жойларда мансаб эгаллаш мақсадида ҳар қандай пасткашликдан ҳам тоймаяптилар, турли миллатлар ўртасида низолар чиқариб, тинч-осуда ҳаётимизга раҳна солмоқдалар.

Бўка туманидаги «Ачамайли» жамоа хўжалигида ҳам худди шундай кўнгилсиз воқеа бўлди. Айрим кишилар пашшадан фил ясаб, хўжаликни иккига бўлишни талаб қилдилар. Шу мақсадда жуда кўп идораларга ёзишди, вақтларини бемаъни ниятларини амалга оширишга сарфлашди. Вилоят ҳокимлиги ва ҳуқуқ органлари уларни бу йўлдан қайтариш учун кўп марта огоҳлантирдилар, вилоят прокуратураси тушунтириш ишлари олиб борди. Оқибатда маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида тўпланган ҳужжатлар туман судида кўрилиб, айбдорларга жарималар солинди.

Агарда шу жамоа хўжалигини чуқур ўйламай бўлинишга розилик берилганда, оқибати нималарга олиб келиши мумкинлигини тушиниш қийин эмас. Бундай юзаки мулоҳаза билан жамоаларни иккига ажратишга интилаётган айрим раҳбарларнинг нотўғри ҳатти-ҳаракатларига асло йўл қўйиш мумкин эмас.

Шу каби воқеа Қўйичирчиқ туманидаги «Ўжакент» жамоа хўжалигида ҳам рўй берди. Хўжаликдан биринчи бўлим ажралиб чиқди. 623 гектар ерда 200 киши деҳқончилик қилабошлади. Лекин, бўлиниш хўжаликларнинг заифланишига олиб келди. Техника воситалари етишмади. Иш юришмади. Хирмон баракасиз бўлди. Натижада хўжаликни қайта бирлаштиришга мажбур бўлдилар. Ўзбекистон Республикаси жамоа хўжаликларининг намунавий Уставининг 76-моддасида ер 1000 гектардан кам бўлса хўжалик иқтисодий жиҳатдан заиф ҳолга тушиши таъкидланади. Буни тажриба яна бир бор тасдиқлади.

Мен халқимизнинг «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» деган сермаъно мақолини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Айрим мансабдор кишилар енгил обрў кетидан қувиб, шахсий мақсадни кўзлаб, сиёсатга зид иш қилмоқдалар. Уларнинг ғаразли мақсадларини оддий кишилар тушиниб олишларини истар эдик. Азиз, ака-ука, опа-сингиллар, бундай гуруҳбоз кимсаларга асло ишонманг. Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кўтарилишини унутманг.

Ҳозир ҳокимият, назорат қилувчи органлар билан биргаликда «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»гн Қонуннинг бажарилишнни текширишга киришдик. Мақсадимиз бу Қонуннинг ҳаётга тўлиқ татбиқ этилишнн таъминлашдан иборат. Дастлабки текширишлар шуни кўрсатдики, кўпчилик хўжаликлар рентабел эмас. Бунда хўжаликларнинг бўлинишларига сабабчи бўлганлар ҳам бевосита айбдордир. Эндиликда вилоят раҳбарлари улар йўл қўйган жиддий хатоларни тутатиш, юз берган аҳволни яхшилашнинг самаралн чораларини кўраётирлар. Шуни айтиш керакки, кўпчилик хўжаликларнинг раҳбарлари амалдаги қонун-қоидаларни билмайдилар ёки уни ўрганишга қизиқмайдилар.

Шу муносабат билан айтмоқчимизки, айрим раҳбарларнинг қонунсиз ҳатти-ҳаракатларига бефарқ қараш мумкин эмас. Бунда биз келишувчиликка йўл қўя олмаймиз. Қонун бузувчилар қилмишларига яраша жазо оладилар.

Шуни ҳам очиқ айтиш керакки, айрим хўжаликларнинг раҳбарлари ерни талон-тарож қилиш ҳисобига бойимоқдалар. Ваҳоланки, ҳар бир хўжалик раҳбарининг бутун фикри-ёди меҳнат аҳлининг моддий-турмуш даражасини оширишдан иборат бўлиши лозим.

Эндиликда бундай кимсалар ўз хатти-ҳаракатлари учун қонун ва халқ олдида жавоб беришлари керак.

• ИЛМ-ФАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДАГИ КАТТА ҒАМХЎРЛИК •

АСПИРАНТЛАРГА — ПРЕЗИДЕНТ ҲИММАТИ

Ўзбекистонимиз мустақил бўлганлиги шарофати билан ҳамда Президентимиз И. А. Каримовнинг 1992 йил 18 февралдаги фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ташкил этилиши республикамиз илм аҳлини чексиз қувонтирди. Чунки, илғор фан ва техниканинг республикамиз учун устивор йўналишлари, илмий ва илмий-педагогик ходимларни шу йўналишлар бўйича тайёрлаш учун, қолаверса иқтидорли ёшларимизни марказ институт, университетларига бориб ўқишлари, илмий ишлар бажаришларн учун албатта Москвага — фан ва техника Давлат комитетига мурожаат қилардик. Натижаси гоҳида бўларди ёки мурожаатларимиз инобатга олинмас эди. Хорижий илмий марказларга бориб таҳсил олиш, илғор тажрибаларни ўрганиш республикамиз илм аҳли учун жуда катта муаммо эди.

Эндиликда, республикамиз раҳбарияти, шахсан Президентимиз республикамиз илмий ва илмий-педагогик салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлайдиган вазирликлар ва муассасаларга ўзларининг ёрдамларини аямай, ғамхўрлик қилаётганларини биз тобора кўпроқ ҳис қиляпмиз. Ҳозирги пайтда юқоридаги муаммолар мустақил равишда республикамизда — Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар академияси ва вазирликларнинг ўзида бемалол ҳал қилинаяпти.

Айниқса Президентимизнинг 1992 йил 8 июлдаги «Илм-фанни ва инновация фаолиятини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақда 1992 йил 21 июлда қабул қилган қарорини амалга ошириш борасида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда муттасил равишда ёшлар орасидан камида 20 нафар истеъдодли-иқтидорли мутахассис ва олимларни тажриба орттириш ҳамда илмий ишлар бажариш учун хорижий илмий ва ўқув марказларига юборишни амалга оширмоқда. Жумладан, 1993 йили Фанлар Академиясидан 20 нафар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан 23 нафар ёш мутахассис ва олимларни Англия, Бельгия, Венгрия, Германия, Италия, Канада, Хитой, Корея, Малайзия, АҚШ, Туркия, Франция ва Японияга юбордилар. Ҳозирда, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан 1994 йилда Япония, Германия ва бошқа давлатларга турли жамғармалар орқали бориб, илмий ишлар бажариб келиш мақсадида 20 нафардан ортиқ мутахассис ва ёш олимлар номзодлари танлаб олиш учун жамғармалар ихтиёрига юборилган.

Қолаверса, Президентимизнинг 1993 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг 3-курс аспирантлари учун 5 устивор йўналиш бўйича давлат стипендиялари таъсис этилиши республикамиз раҳбариятининг ўқувчи ёшларга, аспирантларга, илм-фанга эътибори ва ғамхўрлигидан яна бир бор далолат беради.

1994 йилги стипендия совриндорларини аниқлаш борасида Қўмитада республикамиздаги кўзга кўринган фан арбоблари, олимлари ва юқори малакали соҳа мутахассисларидан ташкил топган танлов комиссияси тузилди. Катта ташкилий ишлар олиб борилди, муайян тадбирлар, баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиб улар тўла амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари асосан 5 устивор йўналиш:

— Республика мустақиллиги ҳамда бозор муносабатларига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш;

— агросаноат мажмуи;

— энергетика, ресурслар, саноат;

— соғлиқни сақлаш ва экология;

— информатик технология ва бошқарув (информатика) бўйича таъсис этилган бўлиб, номзод-аспирантлар фаолияти ўзига хос талаб ва мезонларга жавоб бериши керак эди. Шу мезонларга амал қилинган ҳолда аспирантларнинг номзодлари биринчи навбатда институт илмий кенгашлари, сўнгра вазирлик, Академиялар ва муассасаларда муҳокама қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитамизга тақдим этилди. 17 нафар номзоддан 15 нафарига танловда иштирок этиш учун рухсат этилди.

Уларнинг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий Аттестация комиссияси (ОАК) томонидан тузилган махсус комиссияларга танишиб чиқиб, уларнинг олиб бораётган илмий ишларининг йўналишлари, чоп этилган илмий мақолалари юқоридаги устивор йўналишларга тўғри келган ҳолдагина Низомда кўрсатилган чет тили, Ўзбекистон тарихи, информатика ва мутахассислик фани бўйича имтиҳон олиш ва натижаларини Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси танлов комиссиясига тақдим этиш учун топширилди.

15 нафар номзод-аспирантдан 9 киши имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Танлов комиссияси имтиҳон натижаларини, номзод-аспирантлар фаолиятини, илмий мақолаларини мавзуларини, илмий ишлари йўналишларини синчковлик билан ўрганиб чиқиб, 5 нафар 3-курс аспирантларини яширин овоз бериш йўли билан танлаб олди. Танлов натижалари бўйича 1994 йилги аспирантлар учун биринчи марта таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига қуйидаги аспирантлар сазовор бўлдилар:

1. САФОЕВ СОБИР АБДУЛЛАЕВИЧ —

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги Тошкент Давлат университетининг «Математик физика» кафедрасининг аспиранти.

1982 йили Тошкент шаҳар 163-ўрта мактабни «олтин» медаль билан, 1989 йили ТошДУни «Ҳисоблаш математикаси» мутахассислиги бўйича «имтиёзли» диплом билан битирган.

Илмий раҳбари: Алимов Шавкат Орифжонович, физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, ТошДУнинг «Математик физика» кафедраси мудири.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: «Сингуляр коэффициентли эллиптик дифференциал операторларнинг спектрал хоссалари».

Диссертация мавзуи бўйича 4 илмий мақола муаллифи ва 1 халқаро миқёсда илмий анжуман иштирокчисидир.

2. НАЗАРОВ МУҲАММАДРАСУЛ ШАРОПОВИЧ —

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институтининг «Сув зоологияси» бўлими аспиранти.

1983 йили Фарғона вилояти, Фурқат номидаги 33-ўрта мактабни «олтин» медаль билан, 1990 йили ТошДУни «Ихтиолог» мутахассислиги бўйича «имтиёзли» диплом билан битирган.

Илмий раҳбари: Комилов Ғани Комилович, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, ТошДУнинг «Экология ва ихтиология» кафедраси мудири.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: «Ўзбекистон сув ҳавзаларидаги кумуш товонбалиқнинг кўпайиш экологияси».

Диссертация мавзуи бўйича 4 илмий мақола муаллифи ва 1 халқаро ва 3 республика миқёсидаги илмий анжуман иштирокчисидир.

3. ВАҲОБОВА ДИЛЯРА ЗОЙРОВНА —

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги Тошкент кимё-технология институтининг «Ёғлар технологияси» кафедрасининг аспиранти.

1984 йили Чимкент вилояти, 2-ўрта мактабни, 1989 йили Тошкент политехника институтини «Ёғлар технологияси» мутахассислиги бўйича битирган.

Илмий раҳбари: Илёсов Отабек Тўйчиевич, техника фанлари номзоди, катта илмий ходим, ТошКТИнинг «Госсипол» тармоқ илмий-тадқиқот лабораторияси мудири.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: «Хом ашёни кам сарф қилувчи чиқиндисиз технологияни илғор усулларда ишлаб чиқиш асосида чигитни қайта ишлаш технологиясини ривожлантириш».

Диссертация мавзуи бўйича 3 ихтиро, 7 илмий мақола муаллифи ва 1 республика миқёсидаги илмий анжуман иштирокчисидир. Илмий тадқиқот натижалари бўйича 3 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун қабул қилинган.

4. АКМАЛОВ АБРОРХОН САЙДАХМАТОВИЧ—

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти.

1980 йили Тошкент вилояти, 1-ўрта мактабни «олтин» медаль билан, 1986 йили Тошкент давлат тиббиёт институтини «Даволовчи врач» мутахассислиги бўйича битирган.

Илмий раҳбари: Аваков Вячеслав Ервандович, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган врач, 2-ТошМИнинг «Анестезиология ва реаниматология» кафедраси мудири.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: «Механик сариқ касллиги билан оғриган беморларда марказий гемодинамика ва жигардаги қон айланишни даволаш жараёнидаги ўзгаришлар».

Диссертация мавзуи бўйича 3 илмий мақола (2 таси хорижда чоп этилган) муаллифи ҳамда 3 республика миқёсидаги илмий анжуман иштирокчисидир.

5. НИШОНОВ ЎКТАМ ЖАЙНАРОВИЧ —

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Кибернетика» ИИЧБнинг Системали тадқиқотлар институтининг «Машинасозликда лойиҳалаш системаларини автоматлаштириш» сектори аспиранти.

1983 йил Тошкент шаҳар С. Х. Сирожиддинов номидаги Республика ёш математиклар ва физиклар мактаб-интернатини «олтин» медаль билан, 1991 йили Иваново энергетика институтини «система-техника мухандиси» мутахассислиги бўйича «имтиёзли» диплом билан битирган.

Илмий раҳбари: Нусратов Тўлқин Соҳибович, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Илмий-ўқув маркази директори.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: «Технологик объектлар моделларини бирламчи ноаниқ маълумотлар асосида бошқариш».

Диссертация мавзуи бўйича 4 илмий мақола муаллифи ва 1 халқаро ва 1 республика миқёсидаги илмий анжуман иштирокчисидир.

Умид қиламизки, совриндор аспирантлар Республикамиз Президентининг ёшларга билдираётган ишончини юксак даражада оқлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, республикамиз илм аҳли бу иқтидорли, келажаги порлоқ ёшларимизни, уларнинг раҳбарларини юксак соврин билан муборакбод этади ҳамда уларга Янги йилда сиҳат-саломатлик, бахт, илмий изланишларида муваффақиятлар тилайди.

М. ТОШПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари, профессор.

• КАРТОШКАЧИЛИК • ГОЛЛАНДИЯ УСУЛИ:

САМАРА ВА ҲИСОБ-КИТОБ

Бу ҳақда Тошкент вилоят Кенгашининг ўн тўртинчи сессиясида гапирилган эди

ҲАР биримиз кўриб, билиб, дилдан ҳис этиб турибмиз. Ҳамма соҳада бўлганидек, қишлоқ хўжалигида ҳам мустақиллик шарофати туфайли туб сифат ўзгаришлар юз бермоқда. Бу сабзавоткорлар, шу жумладан, картошкакорларга ҳам таллуқлидир. Иккинчи нонимиз ҳисобланиб келган картошкачиликни ривожлантиришда кўрилаётган тадбирлар чиндан ҳам яхши самара бераётир. Сир эмас, бу соҳада уруғчилик масаласи анча йиллардан буён оқсаб келади. Бир вақтларн ўзимизда бўлган ва серҳосиллиги билан деҳқончиликда мустаҳкам ўрин олган маҳаллий навлар йўқ бўлиб кетаёзган, бунинг устига четдан, айниқса, Урусиядан келтирилаётган уруғлар кейинги пайтда талабга жавоб бермай қўйганди. Чунки бундай уруғларнинг сифати учун кафолат йўқ эди. Деҳқонларимиз таваккал қилиб экишга мажбур бўлардилар. Баъзан бир пайкалда беш-олти хил нав чиқиб қолиб, ишни мураккаблаштирар, бу ҳосилнинг сифати ва салмоғига таъсир қиларди албатта. Ерими олтин, сувимиз гавҳар бўлса-ю, қачонгача бу муаммо муаммолигича қолади?!

Ҳукуматимизнинг саъй-ҳаракати билан янги-янги тадбирлар кўрила бошланди. Дунё тажрибасига мурожаат этилди. Картошкачиликда сифатли ва кафолатли уруғ тайёрлашда дунёда етакчи ўринни эгаллайдиган Голландия фермер (деҳқон) хўжаликлари билан амалий алоқалар бошланди. Голландиялик фермерлар республикамиз, шу жумладан вилоятимиз деҳқонлари билан бажонидил ҳамкорлик қилишга, ўз тажрибаларини астойдил ўргатишга киришдилар. Президентимиз И. Каримовнинг Голландияга қилган сафари чоғида эса бу ҳамкорлик, бу алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва янгича изга солиш мумкин бўлди. Валюта ҳисобига Голландиядан сара картошка уруғини сотиб олиб келтирилди. Вилоятимизда 4 та — Юқоричирчиқ районидаги Аҳмад Яссавий, Зангиота районидаги «Бўзсув», Ўртачирчиқ районидаги «Ҳақиқат» ва А. Икромов номли жамоа хўжаликларида мутлақ Голландия усули бўйича картошка етиштириш бошланди. Бу дегани уруғликни ҳам, ўғит, кимёвий воситаларни ҳам, шунингдек, парвариш ва ҳосилни йиғиштириб олиш жараёнида ишлатиладиган жамики техникаларни ҳам голландиликларнинг ўзлари етказиб бердилар. Ерни экишга тайёрлаш, экиш ва экинни парвариш қилишда, қисқаси, бутун вегетация давомида голланд фермерлари ўзбек биродарларига, ҳамкасбларига картошка етиштиришнинг агротехникасидан маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб турдилар.

Биз «Бўзсув» жамоа хўжалигида бўлиб бу амалий ҳамкорлик қандай самаралар берганлиги билан батафсил қизиқдик.

— Тўғрисини айтиш керак,— дейди жамоа хўжалиги раиси Алишер Ғаффоров,— агарда картошкани рисоладагидек шароитда парвариш қила олганимизда эди, у ҳолда ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, биз пулнинг «тагида» қолиб кетган бўлардик.

Лекин...

Раис буёғини кейин тушунтириб бераман дегандек бошқа сўз айтмади ва бизни далага бошлади: «Одамларимиз қандай меҳнат қилаётганликларини, ҳосил қандай бўлганлигини ўз кўзингиз билан кўринг».

Ҳаво совуқ. Осмонни булут қоплаган. Билинар-билинмас ёмғир ёғиб турипти. Ерга оёқ қўйсангиз чилпилайди. Лекин шунга қарамай одамлар картошказорларда бир жон-бир тан бўлиб меҳнат қилишаётган эди. Улар лой аралаш тупроқ орасидан картошкани кавлаб олишяпти. Уларнинг хатти-ҳаракати, важоҳатларидан ҳар қандай шароитда ҳам катта машаққатлар эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишга аҳд қилганликлари кўринib турарди.

Сўнгра раис бизни омборхонага бошлади. У ердаги бостирма тагидаги майдонда Голландиядан келтирилган комбайнлар гувиллаб ишлаб турипти. Ер сал селгиган пайтда кавлаб олинган ва ҳозир анча қуриб қолган картошкалар ана шу комбайн ёрдамида сараланмоқда. Бирйўла тўрт ишчи жараёни бажарияпти. Транспортер тасмаларидан бир томонга картошкага илашиб қолган тупроқлар тозаланиб чиқариб ташланмоқда. Бир томонга эса тухумдек-тухумдек (булар уруғлик учун мўлжалланган) картошкалар, бир томонга эса каттакатта картошка доналари чиқариб берилмоқда. Улар яшчикларга жойланиб, сақлаб қўйилаётир. Ҳақиқатан ҳам бу «ақлли» машинанинг ишига тан бермасдан иложингиз йўқ. Одам боласи бажаролмайдиган ишни бажараяпти.

— Картошка айни пишиб етилганда ҳаво очиқ келганда эди,— дейди раис,— ана шу ишларни даланинг ўзида бажарардик. Афсус, ҳаво ниҳоятда ноқулай келди. Мана, қирқ-қирқ беш кундирки, ёғингарчилик аримаяпти. Далага техника ва комбайнни сира олиб киришнинг нложи бўлмади. Энди мен сизга боя пулнинг тагида қолиб кетардик, деб айтган гапимни озроқ тушунтириб берай.

Биз Голландиянинг АЭС «Себеко» фирмаси билан шартнома тузгандик. Шартнома ҳар жиҳатдан ўйлаб ҳар икки томоннинг имкониятларини ҳисобга олиб тузилган. Лекин биз уруғни шартномада келишилганидан ўн-ўн беш кун кеч олдик. Бунинг устига техника ҳам кечроқ етиб келди. Ана шу ҳисобга экиш муддати анча кечикди. Лекин биз барибир тушкунликка тушмадик. Исомиддин Муталибов бошлиқ 12 нафар деҳқонлар 60 гектар майдонда голландлар билан ҳамкорликда меҳнат қилишга бел боғладилар. Аввало ерни экишга тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Улар келтирган, тупроқни хоҳлаган ҳолатда майдалаб, агар таъбир жоиз бўлса, ҳатто упа қилиб берадиган техниканинг бехато, бекаму-кўст ва бир меёрда ишлашига қойил қолдик. Яна бир гап. Картошка учун керак бўладиган ўғитнинг нормаси Голландия усули бўйича ерни экишга тайёрлаш жараёнида биратўла берилар экан. Бунинг фойдаси катта. Азотли ўғитларни экин то ўзини тутиб олгунча ҳазм қилиб юборади, ҳосилга таъсири сира ҳам бўлмайди. Картошка ҳосилининг ширинлиги, беғуборлиги шундан.

Бизда эса ҳарорат юқори бўлади. Шунинг учун экишдан олдин ҳам, экишдан кейин ҳам сув қўйишга тўғри келади. Ана шуни ҳисобга олиб голландларнинг экувчи техникасига бироз ўзгартиш киритиш таклифини айтдик. Бу ўзгартиришнинг моҳияти шундаки, экиш билан бирйўла эгатни ҳам олиб кетиш мумкин бўлсин. Голландлар бизнинг бу таклифимизга рози бўлишди ва ҳатто раҳмат ҳам айтишди. Ўзаро ҳамкорлик, бамаслаҳатли иш яхши самаралар берди. Бутун ўсув жараёнида картошкага 12 марта сув қўйилди. Улар ўзлари билан бирга коларадо қўнғизига қарши ишлатиладиган дори ҳам олиб келган эдилар. Икки маротаба ана шу дори билан ишлов берилди. Қўнғизнинг уруғи бутунлай қирилиб битди. Фрезерли техника ёрдамида икки-уч марта экин қатор ораси ўтга қарши юмшатилди. Хуллас, улар айтиб туришди, деҳқонларимиз бекаму-кўст бажаришди. Ҳар гектарида ўртача 55 минг тупдан кўчат ўстирилди. Ривожи, ҳосил олиши деҳқонларимизни қувонтирмоқда эди. Мўлжал бўйича ҳар тупда ўртача бир килограммдан ҳосил етилиши мумкин эди. Ана шунда гектаридан 55, ҳатто 60 тоннадан ҳосил олиш мумкин эди.

Лекин ҳозирги олинаётган ҳосил ҳам чакки эмас. Ҳар гектаридан 30 тоннага яқин чиқаяпти. Қўлда кавланяпти-да, тўла-тўкис олиб бўлмаяпти. Лой орасида қолиб ҳам кетяпти. Комбайн ишлаганда эди, тўла-тўкис йиғиштириб олинарди. Биз ҳисоблаб чиқдик. Уруғлик, ёқилғи, бошқа сарф-ҳаражатларни чегирib ташлаганда, 300 миллион сўм фойда олишимиз мумкин экан картошкадан. Ана сизга янгиликнинг, ҳамкорликнинг, илғор тажрибаларни жорий этишнинг фойдаси!

Раис шу мулоҳазаларни айтар экан, бир нарсани алоҳида таъкидлади.

Вилоят кенгашининг ўн тўртинчи сессиясида Президентимиз қишлоқ хўжалигидаги аҳволни батафсил таҳлил этиб, «Картошка етиштириш ҳам ҳокимлик эътиборидан четда қолган. Шу сабабли валюта ҳисобига Голландиядан келтирилган 3788 гектар майдондаги картошка ҳосилининг деярли ярми қор тагида қолиб кетди», деб эътироз билдирдилар.

Ўша пайтда декабрь ойининг биринчи ўн кунлиги тугаёзган эди. Адолатли танқид, ўринли эътироз вилоятимиз деҳқонларини, сергаклантирди. Ҳақиқатан ҳам ўша кезларда бироз бўшашувчанлик юз бергандек эди. Эрта индин қорлар эриб, ҳаво юмшаб, мўътадиллашса, сўнгра қолган картошканн кавлаб оламиз, деган кайфият ҳам йўқ эмасди. Лекин буёғи қиш. Ҳеч ким ҳавонинг жўнашиб кетишига кафолат беролмайдику! Бир иложини қилиш керак! Қандай бўлмасин тиллога тенг картошканинг қолган қисмини йиғиштириб олиш зарур!

Президентимизнинг фикр-мулоҳазалари одамларга далда бўлди. Уларни сафарбарликка ундади. Янгича куч, янгича ғайрат пайдо бўлди.

Бу жамоа маъмурияти ҳам бутун қишлоқ аҳлига мурожаат қилди. Қандай бўлмасин ҳосилни йиғиштириб олайлик. Ўзимизнинг меҳнатимиз сингган. Ўзимизнинг ошимиз, нонимиз. Ҳар ким қўлидан келган ёрдамини аямасин.

Минг раҳматки, қишлоқ аҳли, каттадан-кичик бу мурожаатга лаббай, деб жавоб берди. Сафарбарлик бошланди. Ўша кезларда далага чиққан одам деҳқонларнинг жасоратига қойил қоларди. Улар ярим метрлик қорларни сандиқ-сандиқ қилиб кесиб бир чеккага олиб қўйиб, ер тагидан картошкани кавлаб олардилар. Вилоят раҳбарлари, район ҳокимлиги ҳам ёрдамини аямади. Айрим ҳолларда ҳашар уюштирилди. Одамларнинг меҳнатита рағбатлантирилган ҳақ тўланди, иссиқ-совуғидан хабар олиб турилди. Кавлаб олинган картошкалар ҳисобидан ҳар кимга маълум миқдорда картошка ҳам берилди. Муҳими одамлар зўр кайфият ва астойдил бўлиб ишладилар.

Бундай кайфиятни бошқа районларда ҳам кўриш мумкин эди. Масалан, Тошкент районида 171 гектар майдонда Голландия уруғи экилиб, картошка ўстирилди. 1468 тонна уруғлик сарфланди.

— Биз беш-олти хил нав уруғлик олдик ўшанда,— дейди Тошкент агрофирмаси бош агрономи Маҳамаджон Эшонов,— тажрибадан маълум бўлдики, бизнинг туман тупроқ—иқлим шароитида Голландиянинг «Кондр», «Конкорд», «Марафона» навлари кўпроқ мос келар экан. Чунки уларнинг вегетация даври бошқа навларга қараганда бироз қисқароқ — 95—100 кунга тўғри келаркан. Биз ҳам бошқа жойларда бўлганидек, уруғликни анча кеч муддатда олмадикми? Ана шу навдаги уруғликлар экилган хўжаликларда ҳосилдорлик нисбатан яхши бўлди. «Ҳаеанбой». Охунбобоев номли синтари хўжаликларда ҳар гектаридан 20—21 тоннадан ҳосил олинди. Умуман район бўйича қуюқ-суюғи билан оладиган бўлсак, ҳосилдорлик ўртача 20 тоннаданга тўғри келяпти. Жами бўлиб 3445 тонна ҳосил олинди. Маҳаллий навлардан кўпи билан 15—16 тоннадан ҳосил олинишини ҳисобга оладиган бўлсак, кеч экилганига қарамай олинган 20 тонналик ҳосил албатта яхши-да. Ўша маҳалда 1468 тонна уруғлик сарфлаб, ҳар килосини 8 сўмдан сотиб олган эдик. Ўён-буён бўлиб бир кило картошка, борингки, бизга 150—200 сўмданга тушиши мумкин. Ҳозирги кунда бозор нархини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз Тошкент райони деҳқонлари Голландия усули бўйича картошка етиштириб, анча-мунча фойда олишлари турган гап.

Бошқа жойларда, умуман олганда, вилоятимизда аҳвол қандай?

Бизга масъул мутахассисларнинг маълумот беришларига қараганда, афсуски, ҳозир ҳам ҳосили кавлаб олинмаган майдонлар ҳам бор. Аввалдан, ташкилотчилик ишлари қучайтирилиб, имкониятлар тўла ишга солинганида эди, бу ҳосил аллақачон йиғиштириб олинган бўларди. Бу келгусидаги ишларимиз учун катта сабоқ бўлиши керак.

Картошкачиликни янада ривожлантириш, ҳар бир туман, ҳар бир ҳудудда уруғчилик муаммосини ҳал этиш учун эндиликда барча имкониятларга эгамиз. Жуда кўп хўжаликлар ҳозирнинг ўзидаёқ эрта баҳорда экиш учун сифатли, кафолатли уруғ жамғариб қўйдилар. Дадил айтишимиз мумкинки, картошкачиликда катта ва бой тажриба орттирилди. Вилоят бўйича ҳар гектарига ўртача 4 тоннадан уруғлик сарфланганлиги, кўпгина хўжаликлар гектаридан 25—30 тоннадан ҳосил йиғиштириб олганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, уруғликка ва бошқа ишларга кетган сарф-харажатлар ўзини тўла қоплаши билан бирга катта фойда ҳам келтирмоқда.

Дарҳақиқат, картошка етиштиришда янги босқич бошланди. Бу соҳага бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Дастлабки самаралар, ана шуни кўрсатмоқда. Голландия усулини қўлланиш бўйича кўриладиган самаранинг, соф фойданинг янада салмоқли бўлиши учун ҳар бир хўжаликда деҳқончилик маданиятини янада ошириш, ҳисоб-китобга алоҳида эътибор бериш, истиқболни кўзлаб меҳнат қилиш ғоят муҳимдир.

Бундан буён илғор тажрибаларни янада кенг жорий этилиши, голландиялик миришкор деҳқонлар билан ҳамкорликнинг янги-янги қирралари очилиши, янги-янги имкониятлар ишга солиниши шубҳасиздир. Тажрибаларнинг янада кенг оммалашиб, бойиб бориши деҳқонларимиздан куч-ғайратларини тўла сафарбар этишларини тақозо этади. Ҳар бир ҳудудда, туманда картошкадан мўл, сифатли ва барқарор ҳосил етиштириш, бу ноз-неъматга — иккинчи нонимизга бўлган эҳтиёжимизни ўзимиз тўла-тўкис қоплашимиз мумкин бўлиб қоладиган кунлар узоқ эмас.

Бунга ишончимиз комил.

Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● АФИНА. Греция ишбилармонлари Россия ва собиқ СССР республикаларига чиқиш харажатларини камайтиришни ҳукуматдан талаб қилмоқдалар. 75—81 доллар миқдоридаги ҳозирги тўлов Греция бозорларини маҳсулот билан тўлдиришга монелик қилмоқда. Греция ўз ишбилармонларидан Ҳамдўстлик давлатларига сафар учун энг кўп тўлов талаб қилаётган мамлакатдир, деб хабар беради Афинада чиқадиган «Македония» газетаси.

● ХАНОЙ. Ўтган йили Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида 300 минг нафардан ортиқ хорижлик меҳмон бўлди. Уларнинг кўпчилиги маҳаллий қонунларни қўпол равишда бузган. 2 минг 500 хорижий меҳмон жарима тўлашга мажбур бўлган. 120 та сайёҳ эса мамлакат ҳудудидан чиқариб юборилган, деб хабар берди, Вьетнам ахборот маҳкамаси.

● СИНГАПУР. Гиёҳванд моддалар сотишга қарши кураш бошқармаси ходимлари 22 нафар қонунбузарни қамоққа олди. Улардан 1,6 миллион доллар қийматга эга бўлган героин моддаси тортиб олинди. Маҳаллий қонунларга кўра, 15 грамм гиёҳванд модда билан қўлга тушган киши ўлим жазосига ҳукм қилинади.

● СЕУЛ. Испания ташқи ишлар вазири Хавьер Солана билан Жанубий Корея ташқи ишлар вазири Хан Син Чу ўртасида бўлиб ўтган музокаралар натижасида 5 та ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатлар асосида Жанубий Корея Испания орқали Европа бозорига чиқиш имкониятига эга бўлади. Иқтисодий, маданий, савдо ва техника соҳаларида ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилади.

Испания ташқи ишлар вазирининг Жанубий Кореяга сафари 1950 йилда ўрнатилган икки томонлама дипломатик муносабатлар тарихидаги биринчи нуфузли ташрифдир.

● ТОКИО. Ўтган йили Япония автомобиль саноати маҳсулотлари сифати ва кўрсатмалари жиҳатидан жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллади. 1993 йилда 201,5 минг автомобиль хорижга экспорт қилинди. Япон мутахассислари ўтказган таҳлиллар натижасига кўра, Япония бозорларида бунинг акси бўлган. Японларнинг ҳаридорлар Америка автомобиль саноатида йиғилган «Хонда» ва «Тойота» маркали машиналарни кўп харид қилишган. Германиянинг «Мерседес-Бенц», Швециянинг «Вольво» концернларида ишлаб чиқарилган автомобиллар ҳам катта шуҳрат қозонган.

● НЬЮ-ЙОРК. Америка Қўшма Штатларининг спиртли ва чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқарадиган «Пепсико» корпорацияси Буюк Британиянинг «Грант Метрополитэн» компаниясига «Столичная» ароғини ишлаб чиқариш ҳуқуқини пуллади. Америка корпорацияси вакили РАТА—ТАСС мухбири саволига жавоб берар экан, «Пепсико»нинг бу хатти-ҳаракати россиялик ҳамкасблар билан тузилган шартномага раҳна солмайди, деди.

● ДЕҲЛИ. Покистон ҳар қандай вазиятда ҳам ўзининг ядро дастуридан воз кечмайди. Бу ҳақда Покистон Бош вазири Беназир Бхутто баёнот берди. Унда таъкидланишича, Покистон Америка Қўшма Штатлари билан муносабатлари ёмонлашишини ҳам истамайди. Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш учун Беназир Бхутто шу йили АҚШга расмий сафар қилмоқчи.

● ЙОХАННЕСБУРГ. Жанубий Африкадаги бир гуруҳ исёнчилар шу йилнинг 27 апрелида мамлакатда ўтказиладиган сайлов жараёнини текшириш учун келган хорижий кузатувчиларга дўқ-пўписа қилмоқдалар. Ҳозир Жанубий Африкада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 нафар кузатувчиси бор. Бошқа мамлакатлардан ҳам таклиф этилган вакиллар билан сайлов жараёнида жами 2840 нафар кузатувчи иштирок этиши мўлжалланмоқда.

(ЎзА).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

• *Маорифимиз жонкуярлари*

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИ

ЎРТА ва махсус ўқув юртларида жорий этилаётган янгича таълим тизими келгусида ўз самарасини бериши табиий. Чунки мактабларимизда таълим ва тарбияни қўшиб олиб бораётган ижодкор ўқитувчилар, мураббийлар кўпчиликни ташкил этади.

Улардан бири Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туман 4-ўрта мактаб илмий бўлим мудири, математика ўқитувчиси Раҳматилла Каримовдир. Одатда ҳар қандай жамоага янги раҳбар тайинланса, аъзолар, «қанақайкин?»— деган маънода кутиб оладилар, То вақт ўтиб тавсифини билиб олгунча ҳар ким ҳар хил фикрда бўлади.

Раҳматилла ҳам 4-мактабга илмий бўлим мудири бўлиб ишга келганида ўқитувчилар шуидай кутиб олдилар. Лекин у тез кунда педагоглар ва ўқувчилар ҳурматини қозонди. Ёшлар унинг номини ҳурмат билан «Раҳматилла ака», катталар эса «Раҳматжон» — деб меҳр билан тилга оладиган бўлдилар. У раҳбарлик илмини чуқур эгаллабгина қолмай ўзининг янгиликка интилувчи ўқитувчи эканлигини ҳам кўрсатди. 1988 йил Жумҳурият бўйича ташкил этилган ижодкор ўқитувчилар кўрик-танловида ўзининг «Стереометрик системаси» деб номланган ижодий иши билан қатнашди ва «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланди. Шу вақтда у 32 ёшда эди. Унинг фан соҳасида эришган бундай ютуғи ижодий изланишга бўлган интилишини янада кучайтирди. Шу йилнинг ўзидаёқ ўқитувчилар аттестацияси натижаси ўлароқ «Катта ўқитувчи» унвонига сазовор бўлди.

Ҳар бир ўқитувчи дарс ўтишнинг турли усуллари ҳақида ўйларкан, албатта кўргазмалилик устида алоҳида изланиши равшан. Раҳматилла Каримов бу борада ҳам ибратли ишларни амалга оширди. Натижада ўқувчиларда кўникма ҳосил қилувчи қурилма яратди. Жорий йилда ташкил этилган ижодкор ўқитувчилар республика танловида ўзининг «Фазовий фигуралар учун универсал қурилма»си билан муваффақиятли қатнашди. Мутахассислар, ўқитувчилар фикрини ўзига торт ган бу қурилмани Республика халқ таълими вазирлиги юқори баҳолади.

Бу ихтиро ҳақида Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш олийгоҳининг математика бўлимининг мудири, «Ихтирочи-ўқитувчи» унвонининг соҳиби Т. Азларов илиқ фикр билдирди:

— Раҳматилла Каримовнинг бу ижодий иши мақтовга лойиқдир у ҳар бир мактабнинг математика хоналаридан ўрин олса фойдадан ҳоли бўлмасди.

Дарвоқе, бу ижодкор ўқитувчи бир неча йилдан бери «Ўқувчилар таълим-тарбияси» мақолалари шулар жумласидандир.

Унинг «Тошкент оқшоми» газетасида босилиб чиққан «Интизор кўнгил» номли бадиаси ўқитувчилар ва ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди. Бадиа юзасидан юқори синф ўқувчилари ўртасида мунозаралар бўлиб ўтди.

Бундай чамаси икки ойлар илгари мен унинг хонасита кундалик дарсим режасини тасдиқлатгани кирдим. Столнинг бир четида В. П. Шчегловнинг «Улуғбек расадхонаси» ва Т. Н. Қори-Ниёзийнинг «Ҳаёт мактаби» номли китоблари турарди. Қизиқиб ундан нима билан машғуллигини сўрадим. У китобларга ишора қилар экан:

— 1994 йилда буюк астроном Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги кенг нишонланади. Уни муносиб кутиб олиш мақсадида дадамлар билан ҳамкорликда мактаббоп «Улуғбек мактаб саҳнасида» мавзуидаги бадиий дастур тайёрлаяпмиз, шуни қайтадан кўриб чиқаётган эдим,— дедилар.

Мен Раҳматилланинг Алхоразмий, Беруний, Умар Хайём каби буюк олимлар ҳаёти, ижоди ва бебаҳо мерослари ҳақидаги ўтказилган кечаларида иштирок этганман. Бу тадбирларнинг тарбиявий томонлари кўплигини чин дилдан ҳис этганман. Унинг жонкуяр мураббий эканлигига тан берганман.

— Раҳматилла жуда камтарин инсон,— дейди мактаб раҳбари Абдутолиб Абдуллаев.— Бир куни Раҳматилланинг ўтказган тўгарак машғулотида иштирок этиб маза қилгандим. Буни қарангки, орадан уч-тўрт ой ўтгач, худди ўша бўлиб ўтган машғулотнинг тайёрланиши ва олиб борилишини газетада ўқиб қолдим. Камтарлигини қарангки, мақолани ўзи ёзган, лекин мен шундай қилдим, демасдан, ўқитувчи шундай қилди, деб ўз номини яшириб турибди. Мана газета ҳам шкафимда эди, деб Абдутолиб ака букланган газетани менга узатдилар.

Мақола «Қўшимча дарс» ёки Умар Хайём ҳақида болалар билан дилдан суҳбат», деб номланган эди. Ўқиб таъсирланиб кетдим. Мақола мазмунида: ўқувчилар шарқнинг буюк алломаси Умар Хайёмни майхўр, лойдан одам ясовчи хаёлпараст шоир бўлган, деб нотўғри тасаввурда эканликларини сезган ўқитувчи тўгаракда машғулот уюштириб Умар Хайёмнинг буюк аллома бўлганлигини, асарларига дунё тан берганлигини, барча фанлар қатори математикадан ҳам бир неча янгиликларни яратганлигини аниқ далиллар билан қизиқарли қилиб тушунтириб беради.

Бирқанча савол-жавоблардан сўнг улуғ аллома ҳақида нотўғри фикрлар билдирган ўқувчилар мулзам бўлиб қолганликлари баён этилган. «Қўшимча дарс» ҳақиқатдан ўқувчилар билан дилдан суҳбат тарзида ўтиб, ижобий натижа бергани яқол кўриниб турибди.

«Қўшимча дарс»ни ўқиб чиқдимда, Абдутолиб аканинг «камтарлигини қаранг», деган гапларига юз фоиз қўшилдим. Ҳа, ана шундай маориф жонкуярлари орамизда кўп. Уларни ҳар қадамда эзозлашимиз зарур.

Мастура ИНОЯТОВА,
Тошкент шаҳар, А. Икромов тумани 4-ўрта мактабнинг тил-адабиёт ўқитувчиси.

• *Чирчиқ шаҳрида*

ТУРИ 12 ТАГА ЕТДИ

● ЎЗБЕКИСТОН қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида электр лампалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилганига кўп бўлгани йўқ. Унинг дастлабки линияси бир неча ойдан бери маҳсулот бермоқда. Ҳозирги кунгача юзларча минг дона шундай зарур халқ истеъмоли моли тайёрланди. Бир йил давомида эса у 5 миллионта лампа ишлаб чиқариш қувватига эга.

Айни вақтда худди шундай қатор янги линияларнинг технологик асбоб-ускуналарини монтаж қилиш давом этмоқда. Улар фойдаланишга топширилгач комбинатда ҳар йили бундай маҳсулот турини тайёрлаш 60 миллионтага етади.

Комбинатда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш тобора кўпайиб бормоқда. Бу унинг барқарор ишлаши учун қўшимча омил бўлиб хизмат қилаяпти. Корхонанинг таъмирлаш механика цехида алюминийдан иситиш радиаторлари, газёниш қурилмалари, сув иситиш қозонлари ва бошқа шу каби серталаб маҳсулотлар ҳам тайёрланмоқда. Умуман биргина цехда ишлаб чиқарилаётган кенг истеъмол молларининг тури 12 тага етди. Лекин жамоа бу билан чекланиб қолмоқчи эмас. Ҳозир мухандис-техник ходимлар янги конструкциядаги газёниш қурилмаларининг учта тажриба-намунасини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш йўлида изланмоқда. Бундай маҳсулот яқин ойлар ичида мижозларга етказиб бериладиган бўлади.

МАЛАКА ОШИРДИЛАР

● ШАҲАРДАГИ 13-умумий таълим мактабининг немис тилидан дарс берувчи бир гуруҳ ўқитувчилари Германияга қилган ташрифларидан қайтиб келдилар. Бу ташриф Германиянинг Байрот шаҳридаги халқаро мулоқот ва маданият институти ташаббуси билан ташкил этилган эди. Чирчиқликлар немис тили ўқитувчилари малакасини ошириш курсларида ўқидилар. Ўқиш жараёнида бу тилдан таълим бериш билан боғлиқ бўлган янги услубларни ўргандилар, замонавий немис тилининг ўзига хос хусусиятлари билан, шунингдек, немис халқининг турмуши ва маданияти билан танишдилар. Немис томони ўзбекистонлик ўқитувчиларнинг бу сафари мазмунли бўлиши учун барча имкониятларни яратиб берди. Чирчиқлик ўқитувчилар малака ошириш қатори айрим шаҳарлар билан танишдилар ҳамда Дрезден галереясини томоша қилдилар.

КОРХОНА МУЗЕЙИ

● ЎЗБЕКИСТОН кимё машинасозлиги заводининг музейи йигирма йиллик тарихга эга. Завод ишга тушганига эса олтмиш йил бўлди. Корхонанинг меҳнат жамоаси фаолияти, у билан боғлиқ бўлган воқеалар кенг қамровли музейнинг асосий кўргазмаси ҳисобланади. Бу ерда жамоа меҳнат ҳаёти билан боғлиқ бўлган муҳим воқеалар, ҳужжатларнинг асл нусхалари, ишлаб чиқариш илғорларининг суратлари қўйилган. Заводга ишга кирган ҳар бир янги ишчи корхона остонасига қадам босишидан олдин музейга ташриф буюриб, завод тарихи билан танишиши яхши анъана бўлиб қолган.

Улар бу машинасозлик заводининг бешигини тебратган, дастлабки вақтларда Улуғ Ватан уруши эҳтиёжлари учун қурол-аслаҳалар ясаган ажойиб ишчи-хизматчилар ҳақидаги ҳужжатларни катта қизиқиш билан кўздан кечирадилар. Қозончилардан Даниил Бородоченко ҳамда Жўра Нурматов, темирчилар Нур Аминов ва Михаил Куцевалов, токар Иван Коротенко, пайвандловчи Рустам Зоҳидов ва ўнлаб бошқа машинасозларнинг фидокорона меҳнати ҳақида таранним этувчи ҳужжатлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Кейинги йилларда музей яна бир муҳим вазифани бажармоқда. Бу ерда завод маҳсулотини намойиш қилиш йўлга қўйилди. Намойиш залида халқ истеъмоли молларининг доимий кўргазмаси ташкил этилган. Корхона билан алоқа ўрнатишни истаган буюртмачи ва тадбиркорлар бу ерда сўнгги йилларда ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган турбокомпрессорлар, тиббиёт бароокамералари ҳамда турли халқ истеъмоли моллари ҳақида батафсил ахборот оладилар.

ТАЪТИЛ КЎНГИЛЛИ ЎТДИ

● КИМЁГАРЛАР, машинасозлар, металлургларнинг маданият саройларида ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларда ўтказилган арча байрамларида минглаб чирчиқлик болалар қатнашдилар. Бу йилги байрамда 30 минг нафардан ортиқ ўқувчи ҳамда боғча болалари арча атрофида уюштирилган байрамда хушнуд бўлдилар.

О. ЛЕВАК.

ТОШКЕНТ ТУМАНИ:

Далалардан дараклар

ЕРНИНГ ХАМИРТУРИШИ

● БЕҒУБОР, ширин-шакар маҳсулот етиштирамиз! Туман сабзавоткорлари ана шу шиор билан меҳнат қилмоқдалар. Бу табиий. Бир неча йиллар давомида ерларга кимёвий ўғитлар кўплаб солиниб, тупроқ заҳарланди. Энди бу «заҳар»ни ердан ҳайдаб чиқариш керак! Бунинг учун эса асосий эътибор маҳаллий ўғитга қаратилиши муҳимдир. Бошқа илож ҳам йўқ. Чунки кимёвий ўғитларнинг ўзи анқонинг уруғи бўлиб қолди. Топилганда ҳам нархи ҳаддан ташқари қимматлашиб кетган. Шунинг учун ҳам ота-боболаримизнинг илмига амал қилиб, деҳқончиликда фақат маҳаллий ўғитлардан фойдаланишга ружу қилинмоқда.

Бу йил район бўйича 115 минг тонна гўнг тайёрланиши керак. Ҳозиргача 40 минг тоннаси тайёрлаб қўйилди. Икки томонлама фойдали иш амалга оширилмоқда: ҳам фермалар тозаланяпти, ҳам дала бошларидаги махсус майдонлар, чуқурликларга гўнг ташиб чиқарилмоқда. Кўкламда экиш ишлари бошлангач, бу маҳаллий ўғитлар махсус мосламаларда далага олиб чиқиб сочилади.

Навоий номли, Собир Раҳимов номли, Ғиёс Умаров номли, Ғ. Абдуллаев номли жамоа хўжаликлари ўғит тайёрлашни кун сайин жадаллаштирмоқдалар. М. Фозилов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари эса 5 минг тонна гўнг ташиб чиқариб, режаларини бажариб бўлдилар.

ТАЙЁРЛАБ ҚЎЙИЛДИ

● ЎТГАН йили қишнинг барвақт бошланиши, устма-уст қор, ёмғир ёғиб, ерларнинг музлаши сабзавоткорларнинг ишини ҳам анча мушкуллаштирди. Ер ҳайдашни охирига етказиш имконияти бўлмади. Анчагина майдонларда сабзавот ҳосили қолиб кетди. Бироқ, районнинг ишбилармон деҳқонлари табиат қийинчиликлари олдида қўл қовуштириб турмадилар. Улар ҳар бир қулай фурсатдан, маажуд техникалардан ва бошқа имкониятлардан самарали фойдаландилар. Натижада ерлар ҳосилдан бўшади. Шудгорлашни ниҳоясига етказиш чора-тадбирлари кўрилди. Бутун техникалар сафарбар этилди. Самара яхши бўлди. Ҳозиргача мавжуд 3843 гектар майдонни шудгорлаш ниҳоясига етказилмоқда. Айниқса, Ҳасанбой, Охунбобоев номли, Муҳаммаджон Фозилов номли, «Тошкент», Тўлаби номли, Абдураҳмонов номли жамоа хўжаликлари ерларни кўкламги экишга барвақт тайёрлаб қўйдилар.

ТОКЛАР «УХЛАМОҚДА»

● ТОК ҳосилининг мўл, сифатли бўлиши, касалликларга чалинмаслиги кўп жиҳатдан агротехника тадбирларининг маромида амалга оширилиши, айниқса, кўмиш ишларининг вақтида бажарилишига боғлиқ. Тажрибакорларнинг гувоҳлик беришича, агарда токлар тупроққа кўмилса у қиш бўйи яхши «ухлайди».

Соҳибкорлар қулай фурсат келиши билан ишга киришдилар. Натижада 1121 гектар майдондаги токлар қирқилиб, кўмилиб, тупроқ бостириб қўйилди. Бу ишда Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, Собир Раҳимов номли, Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжаликларининг боғбонлари намуна кўрсатдилар.

КАРАМ УРУҒИ СЕПИЛДИ

● КАРАМ — сабзавотчиликда салмоқли ўринни эгаллайди. Ҳосилининг барвақт етилиши ва мўл бўлиши эса кўчатларининг саралиги ва сифатига боғлиқдир. Шуидай пайтлар бўлганки, мавжуд иссиқхоналарга уруғлар бир вақтда сепилган. Кўчатлар бир вақтда тайёр бўлган. Лекин далага чиқариб экиш учун шароит етилмаган. Оқибатда кўчатларнинг вегетация даври ўтиб, гуллаб, экишга яроқсиз бўлиб қолган. Қанчадан-қанча меҳнат зое кетган. Деҳқонлар бу сабоқдан тўғри хулоса чиқариб, иш юритмоқдалар. Ҳар бир хўжаликда карам уруғини босқичма-босқич сепиб, босқичма-босқич кўчат тайёрлашга эътибор берилмоқда. Ҳозиргача Собир Раҳимов номли, Ғиёс Умаров номли, Охунбобоев номли жамоа хўжаликларининг ҳар бирида иссиқхоналарга 20—30 килограммдан уруғ сепиб қўйилди.

● ЯНГИЙЎЛ мебель давлат акционерлик бирлашмаси жамоаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини тобора кўпайтирмоқда. Яқинда бу ерда кичик ҳажмли бежирим мебель ишлаб чиқариш цехи очилди. Цехда янги ошхона йиғмалари тайёрланмоқда. Нархи анча баланд бўлишига қарамай бу маҳсулотни харидорлар кўплаб сотиб олмоқдалар, республикамиздан ташқари ҳамдўстлик мамлакатларига ҳам етказиб берилмоқда. Ушбу суратда ошхона йиғмалари ишлаб чиқарувчи ишчиларнинг бир гуруҳини кўриб турибсиз.

Ф. Қурбонбоев олган сурат. (ЎзА).

ТАРИХ МУЗЕЙИДАГИ МАШҒУЛОТЛАР

Қишки таътил кунларида ўқитувчилар яқинда очилган Ўзбекистон халқ таълими тарихи музейининг томошабинларига айланди. Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти анъанавий машғулотларни шу музейда ўтказди.

Гап шундаки, Республика ўқитувчилар уйида жойлашган музейдан ноёб экспозиция ўрин олган. Бу ерда тарих бўйлаб сафар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган қабилаларда ёзув пайдо бўлган даврдан бошланади. Кўплаб экспонатлар ўлкамизнинг гуллаб-яшнаши, шарқда фан ва маданият марказларининг пайдо бўлиши ҳақида ҳикоя қилади.

Россия Туркистонни босиб олганидан кейин 1917 йилгача бу ерда «тузем» мактаблари ташкил этилган, кейинчалик эса, жадидлик ҳаракати пайдо бўлган эди. Жадидлар диний билимлар билан бирга дунёвий билимларни ўргатишни тарғиб қилишган. Аммо, совет даврида жадидчилик «буржуазия мафкураси» сифатида қатағонга учрагани ҳам маълум. Музейда бу мавзу ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Музейда бўлган ўқитувчилар дарсларда жадидлар тажрибасидан унумли фойдаланиш мумкин ва лозим эканига қаноат ҳосил қилади.

Республикамизда мустақиллик эълон қилинганидан кейин мамлакатимиз халқ таълими тарихининг ҳам янги даври бошланди. Китоб, брошюра, суратлардан иборат кўпгина экспонатлар таълимнинг янги шакллари жорий этилаётганидан дарак беради. Республикада ўнлаб коллеж, лицей, гимназиялар очилган. Мактабларда оммавий тарзда компьютер тизимини жорий қилиш бошланган. Ўзбекистон халқларининг кўп асрлик тарихини ҳақконий акс эттирадиган янги дарсликлар тайёрланиб, нашр этилмоқда.

— Бу ислоҳотлардан кўзланган мақсад — узлуксиз таълим тизимини яратишдан иборат, — дейди Республика ўқитувчилар уйининг директори, тарих фанлари доктори, профессор Қодир Фозилхўжаев. — Ислоҳотларни тўла-тўкис амалга ошириш учун ўтмишдошлар тажрибасини чуқур таҳлил этиш лозим. Музей мана шу ишда ўқитувчиларга катта ёрдам бериши мумкин. Экспозицияларни тайёрлаш жараёнида ноёб материал ва ҳужжатлар топилди. Ўқитувчи-фахрийлар республика кенгаши ҳам бизга катта ёрдам берди. Оқсоқоллар ўзларининг шахсий ашё ва орденларини тақдим этишди. Шундай қилиб, уч мингга яқин экспонат йиғишга муяссар бўлдик. Шулардан 600 таси музейда намойиш қилиняпти, қолганлари ўз навбатини кутяпти. Мактаблар, туман халқ таълими бўлимлари кўчма кўргазмалар ташкил этишимизни сўрашяпти. Келажакда уларнинг илтимосларини қондиришга ҳаракат қиламиз.

А. ИВАНОВА.
ЎзА мухбири.

• *Саноат корхоналарида*

АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ УЧУН

Асака шаҳрида Жанубий Корея билан ҳамкорликда мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи улкан автомобиль заводи бунёд этилаётганлиги мамлакатимиз аҳли қатори оҳангаронликларни ҳам хушнуд этди. Иқтисодиётимизни барқарорлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлувчи бу объектни бунёд этишга кўмаклашишни «Оҳангарон темир-бетон заводи» жамоаси ҳам ўз бурчи деб билмоқда. Шу боисдан завод яқинда Асака автокорхонаси қурилиши учун олти турдаги дастлабки 400 куб метр темир-бетон маҳсулотлари жўнатди.

«Оҳангарон темир-бетон» корхонасида Асака автомобиль заводи қурилиши учун зарур бўлган 15 турдаги темир-бетон маҳсулотини кетма-кет ишлаб чиқариш ва жўнатиш режалаштирилган. Энг муҳими кейинги пайтда асакаликлар учун олтию уч метрли том ёпиш плиталари, 18 метрли тўсиқ, ён девор ва устун сингари турли темир-бетон маҳсулотлари тайёрлаш, уларни манзилга жўнатиш ишлари жадаллаштириб юборилди.

ЦЕМЕНТ ҚАДОҚЛАНАДИГАН БЎЛДИ

«Оҳангарончемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Бу ерга Ҳиндистондан бирлашма учун ниҳоятда зарур бўлган махсус цемент қадоқлаш машинаси келтирилди. Ҳадемай махсус машина ишга тушириб юборилади. Бу ускуна қоғоз қопларга 50 килограммдан миқдорда цемент қадоқлашга мўлжалланган.

Соатига 15 тонна цемент қадоқлай оладиган бу машинани корхона учун афзаллик томони шундаки, биринчидан маҳсулотнинг сифатига путур етмайди, иккинчидан эса ишлаб чиқарилаётган цемент эндиликда бирлашма омборларида узоқ вақт туриб қолмай кетма-кет ўз харидорларига юборилаверади.

Шунингдек, айни пайтда бирлашмада Ҳиндистон билан Германиянинг тегишли фирмалари томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган, соатига 120 тонна цемент қадоқлай оладиган ана шу турдаги яна бир улкан машина келтириш тадбирларн ҳам кўрилмоқда.

УН КЎПАЯДИ

Янги 1994 йилни Оҳангарон ғалла маҳсулотлари корхонаси муносиб меҳнат армуғони билан кутиб олди. Жамоа аҳли 1993 йилда 127359 тонна олий навли ун ишлаб чиқариш керак эди. Қувончли томони шундаки, бу кўрсаткич муддатидан бир ҳафта илгари қўлга киритилди. Йиллик режага қўшимча равишда яна 3800 тонна ана шундай сифатли маҳсулот тайёрланди.

Қўлга киритилган зафарга биринчи тегирмон цехининг Бахтиёр Бобохонов, иккинчи тегирмоннинг Шуҳрат Зоитов сингари пешқадам бригадалари, кўплаб илғор ишчи ва мутахассислар салмоқли улуш қўшдилар. Меҳнат интизомининг мустаҳкам йўлга қўйилганлиги, технологик жараённинг бирмунча жадаллаштирилганлиги ва иш вақтидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинаётганлиги унумдорликни оширишнинг асосий омиллари бўлди.

— Бизда 1994 йилда 127813 тонна ун ишлаб чиқариш режалаштирилган,— дейди корхона раҳбари Ҳамдамали Раҳмонқулов.— Шубҳа йўқки, режа ортиғи билан бажарилади. Чунки айни пайтда маҳсулот тайёрлаш ҳажмини янада кўпайтиришнинг қўшимча чораларини излаяпмиз.

Қ. ОДИНАЕВ.

• *Жиноятга жазо муқаррар*

ИШОНЧЛИ СОҚЧИЛАР

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси таркибидаги қўриқлаш бошқармасининг соқчилик хизмати роталари қўриқлаш соқчилик хизмати соҳаси бўйича тажриба орттирган рота бошлиғи ва милиционерлардан ташкил топган. Кейинги вақтларда бу хизматнинг фаолияти, кўрган чоралари туфайли унга биркитилган ҳудудларда бирор марта ҳам давлат мулкининг ўғирлаб кетилишига йўл қўйилмади. Ўғриликни содир этган шахслар ўз вақтида ушланиб давлат — халқ мулкининг даҳлсизлиги таъминланди. Масалан, ўтган йил 29 ноябрь кеч соат 22 да тўқимачилик комбинати мастери ёрдамчиси С. Гусейнова 38,5 метр матонк корхонадан ўғирлаб олиб кетаётганида шу ерда жамоат тартибини қўриқлаётган кичик лейтенант А. Бобобеков, катта сержант Г. Усеровлар томонидан қўлга олинди.

Ўғирлик содир этган С. Гусейнова дарҳол иккала соқчига ўз жиноятини ёпиш учун 500 минг сўм «мукофот» пули таклиф этади. Лекин ўз бурчларини ҳалоллик билан адо этаётган соқчилар газмол ўғрисини тегишли жойга топширадилар. Шу корхонада жамоат тартибини қўриқлаш учун келган милиционерлардан сержант Х. Мўминов, корхона ошхонасига қарашли 15 минг сўмлик ўсимлик ёғи, 20 килограмм маргаринни ўғирлаб кетаётган чилангар — ишчи Владимир Иванович ушлайди.

Қўриқлаш хизмати соқчилари хизматидан улар асраётган «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси, тўқимачилик комбинати, фенон-заргарлик корхонаси, Бўзсув—Сирғали сув ҳавзалари иншоотлари, «Ўзэкспомарказ», ўнлаб корхона, муассасалар, ташкилотлар, Сирғалидаги таносил, Миробод туманидаги руҳий касалликлар, Чилонзордаги кўкрак қафаси жарроҳлик шифохоналари жамоалари жуда миннатдордирлар. Шаҳар қўриқлаш бошқармасининг бошлиғи (И. Исломов ва қўриқлаш хизмати сардори, милиция майори И. Сайдаҳмедов) номларига доим ташаккурномалар келиб турипти. Посбонлик милиционерлари кўча-кўйда, хизматдан ташқари пайтларда ҳам зарурат бўлиб қолганда жиноятчиларга муросасиз бўлиб, фуқароларга дарҳол ёрдам қўлини чўзадилар.

Яқинда Чорсудаги Тошкент бош универсал дўконида бир йигит Н. Эгамбердиеванинг 20 минг сўм пулини олиб қочган. Ердамга келган старшина И. Аҳмедов Ғ. Исмоилов деган шахсни дарҳол қўлга олиб Шайҳонтоҳур ички ишлар бўлими ихтиёрига топширган. Пул эгасига қайтарилди. Заргарлик корхонасига Р. Исмоилов деган фуқаро кириб, у ердан ишчи-хизматчиларга тегишли 16 минг сўм пулни ўғирлаб кетаётганда взвод командири С. Солихўжаев, сержант О. Пиримқуловлар томонидан қўлга олинади. Жиноятни содир этган Р. Исмоилов қонун асосида қилмишига яраша жазосини тортди. Чорсу бозорида Ж. Буквадзе деган талончи аёл бозорга ҳаражат қилиш ниятида келган М. Ҳасанованинг тақинчоқларини куппа-кундуз куни юлиб қочади. Жабрланувчи тезлик билан шу ердан ўтиб бораётган сержант А. Ёндошевга мурожаат этади. Хушёр соқчи дарҳол талончини қўлга тушириб, район ички ишлар бўлимига топширади. Тошкент бош универсал дўконида Г. Герасимова деган аёлнинг бўйнидаги олтин занжир тақинчоқни С. Лигай деган келгинди шахс юлиб қочади. Бундан хабар топган оддий милиционер Қ. Ҳожиев унинг изига тушиб, қувиб етади, қаттиқ олишувда босқинчини қўлга олиб, тегишли жойга жўнатади.

22 октябрь куни взвод сардори муовини, милиция старшинаси А. Исмоилов, Шайҳонтоҳур ички ишлар бўлими участка вакили М. Машарипов ва район жиноят-қидирув хизмати ходими А. Неъматовлар туман кўчаларидан бирида истиқомат қилувчи фуқаро А. В. Морозовдан унинг яқин танишларидан бўлмиш Ю. Муҳамаджонова ҳамда З. Абдураҳимов «Романтика—306» магнитофонини ўғирлаб кетишгани ҳақида шикоят олдилар. Зудлик билан ўтказилган қидирув туфайли юқорида номлари зикр этилганлар қўлга олиндилар. Магнитофон ҳам уларнинг уйидан чиқди. Ю. Муҳамаджонова ва З. Абдураҳимов Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунлари мажмуасининг 125-модда 2-қисми бўйича жавобгарликка тортилиб, қилмишларига яраша жазоландилар.

Давлат мулкини ўғирлаётганларга қарши курашда соқчи милиционерлар жамоаси ҳам яхши натижаларга эришмоқда.

1993 йил 11 сентябрь куни А. Миняев деган шахс кундузи соат 14 да бош универсал дўконининг бир бўлимидан нархи 6805 сўмлик эркаклар курткасини ўғирлаб кетаётганда милиция сержанти А. Абдураҳмонов сезиб қолади, ўғрини қўлга туширади. Куртка ўғриси дарҳол Миробод ички ишлар бўлимига жўнатилган. 18 октябрь куни соат 15 да шу дўконнинг учинчи қаватидаги бўлимларининг биридан Б. Тўраboев номли шахс нархи 66 минг сўмлик аёллар жун свитерини ўғрилайди, лекин, бу билан қаноатланмай яна бир ўлжани овлаш мақсадида шу қаватдаги 38-шахобгача ўтади. Ўғри илиқлик турган нархи 17 минг 110 сўмлик аёллар плашчини қўлтиққа уриб, жуфтакни ростлайди. Лекин унинг плашч ўғирлаётганлигини кузатиб турган хушёр милиция сержантлари Н. Зияев билан Ш. Эгамбердиевлар ушлайдилар...

Хуллас, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси қўриқлаш бошқармасининг соқчилик хизмати ходимлари фаолиятидан бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Улар давлат мулкига чанг солиб, шум ниятларини амалга оширишга уринаётган эгри қўлларга қаршн қатъий курашмоқдалар.

М. НУРИДДИНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 24. I

● УзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Адолат».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Эстрада, эстрада...». Концерт.
20.00 «Кабутарим». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Узбекистон» ахбороти.
20.50 «Исловот ва масъулият».
21.05 «Хотира». Узбекистон халқ шоири Миртемир.
21.55 «Сени излаб». Бадиий фильм.
22.55 «Узбекистон» ахбороти.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Билиб қўйган яхши».
19.35 «Дам олиш соатларида».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 —Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Мультфильм.
9.35 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 31 ва 32-сериялар.
10.35 «Мавзу».
11.20 «Иқболи кулганда».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Гол».

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Тадбиркор».
16.20 Мультфильм.
16.35 Болалар телевидениеси уюшмаси.
17.10 «Иқболи кулганда».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Гол».
18.55 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.10 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 32-серия.
19.40 «Миниатюра».
19.55 «Эркак ва аёл».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Спорт уик-энди».
21.45 «Қизлар ҳақида роман». М. Розовский раҳбарлигидаги «У Никитских ворот» театр-студияси фильм-спектаклининг премьераси.
00.30 «Бумеранг».
01.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула».
8.00 «Янги чизиқ».
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 «Ҳужжатли экран. «Лев Толстой ҳақида сўз». 2-фильм.
10.30 Қамал китоби саҳифалари. «Мардлик кўрсатиш пайти». Ҳужжатли фильм.
10.40 «Янги чизиқ».
11.10 Актёр «инотеатри. В. Лановой. «Момақалдироқ сари». Бадиий фильм.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 «Телегазета».
14.05 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати.
15.05 «Россияда бизнес».
15.35 «Рус ижозатномаси».
16.05 «Янги чизиқ».
16.40 Болалар учун янгиликлар.
16.55 «Бола тилидан».
17.25 Эй-Би-Сининг дунё янгиликлари.

*

18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 Душанба куни детектив. «Денгиздаги муаммо». Бадиий фильм. «Эркюль Пуаро» сериалидан.
21.00 «Ҳақиқат онлари».

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 Спорт кўрсатуви.
22.45 «Бўйсунмас шоир хотираси». В. Висоцкий.
23.15 «Экспоцентр» таништиради.
23.25 «Бахтли тушлар таъбири». 2-кўрсатув.
23.55 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
00.25 МХЛ юлдузлар матчи. Нью-Йоркдан кўрсатилади.

Сешанба, 25. I

● УзТВ I

7.00 — 9.10 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.10 «Жасурлар маскани».
9.40 «Биз очиқ жамоа». Телефильм.
10.00 «Ёшлар хиром айлагандa». Фильм-концерт.
10.30 Уқув кўрсатуви. Табиатшунослик.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Куй ва соз соҳиби». Телефильм.
18.25 «Сиҳат-саломатлик».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Оддий куй». Телефильм.
19.30 «Аньаналар этади давом». Мусиқий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Узбекистон» ахбороти.
20.50 Бевосита мулоқот.
21.50 «Оқ уй оқшомлари». Қисқа метражли бадиий фильм («Узбекфильм»).
22.40 Бокс. Узбекистон чемпионати.
23.25 «Узбекистон» ахбороти.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Алоқалар ва шартномалар».
19.55 Композитор Э. Қаландаров билан учрашув.

«ОМАД» таништиради:

20.25 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 «Тонг».
8.50 Эрталабки бадантарбия машқлари.
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Тингланг, томоша қилинг...».
9.40 Мультфильм.
9.50 «Инсон ва қонун».
10.20 «Давр. Мен сендан ўтиб...». И. Анисимова-Вульф.
11.10 «Рок-сабоқ».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Қумтепалардаги уй». Телевизион бадиий фильм.
13.25 «Кечиккан гул». Телевизион бадиий фильм.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
15.40 «Конверсия ва бозор».
16.10 «Иш».
16.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телефильм. 4-серия.
16.50 «Сирли олам ёки синема».
17.10 «Рок-сабоқ».
17.50 «Мулкдор алифбоси».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Парда ортида. Юксалиш».
18.50 «Қойил!». Ёш дизайнерлар халқаро танлови.
19.05 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.10 Фигурали учиш. Европа чемпионати. Кўргазмали чиқишлар.
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Мавзу».
22.15 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
22.30 «Мосфильм»нинг 70 йиллигига. «Кузги марафон». Бадиий фильм (1979 й.).
00.20 Хоккей. ХХЛ чемпионати. МАСК—«Лада». 2-давр.
01.00 Янгиликлар.
01.35 Хоккей. ХХЛ чемпионати. МАСК — «Лада». 3-давр.
02.15 «Кубертен клуби».
02.45 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула».
8.00 «Янги чизиқ».
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 Қамал китоби саҳифалари. «Махфий буюртма». Ҳужжатли фильм.
9.30 «Сариқ сувости кемаси» клуби.

* * *

12.05 Қамал китоби саҳифалари. «Порох». Ҳужжатли фильм.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.05 «Телегазета».
14.10 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати.
15.10 Қамал китоби саҳифалари. А. Дудин шеърияти.
15.40 Эй-Би-Сининг дунё янгиликлари.
16.10 Ҳужжатли фильм.
16.30 Болалар учун янгиликлар.
16.45 «Рост» студияси.
17.15 «Янги чизиқ».

*

18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 «Қамал шаҳридаги қиз». Ҳужжатли фильм.
20.10 «Жаноблар — ўрток-лар».
20.25 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 271-серия.
21.15 «Сизнинг ҳуқуқингиз».
21.30 Джаз куйларидан концерт.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 Спорт кўрсатуви.
22.50 «Антреприза». Алла Коженкова.
23.40 «Сиёсат майдонида».
00.35 «Мусиқий имтиҳон».

Чоршанба, 26. I

● УзТВ I

7.00 — 9.10 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.10 Республика газеталарининг шарҳи.
9.25 «Болалар ижодий уйида».
10.05 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Бизнес мактаби».
18.40 «Осойишталик посбонлари».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 Мавлуда Самандарова куйлайди.
19.50 Ҳиндистоннинг миллий байрами — Республика кунига. «Мўъжизакор юрт».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Узбекистон» ахбороти.
20.50 Тадбиркорлар минбари.
21.50 «Мехрибонгинам». Ҳинд бадиий фильми. 1 ва 2-сериялар.
00.10 «Узбекистон» ахбороти.
00.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «02» тўлқинида.
19.35 «Узбекистон — Ҳиндистон: ҳамкорлик уфқлари».
20.05 «Шаҳар юмушлари».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Ҳакка». Болалар ахборот кўрсатуви.
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.20 «Джем».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Тўрғайлар». Телевизион бадиий фильм.
13.35 Цирк томошалари.
14.30 Концерт.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Тадбиркор».
16.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телефильм. 5-серия.
16.50 Мультфильм.
17.00 «Джэм».
17.30 «700-клуби».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.55 «Эксклюзив. Светлана — Иосифнинг қизи...». 1-қисм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Останкино» телеэкранида биринчи марта. «22 июнь, роппа-роса соат 4 да...». Бадиий фильм («Мосфильм, «Ладога» киностудияси).
23.15 «Илк манбадан».
23.30 «Матбуот-экспресс».
23.45 Александр Буйновнинг ижодий кечаси.
00.40 «Бутун бу джаз...».
01.00 Янгиликлар.
01.35 «MTV».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула».
8.00 «Янги чизиқ».
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Ретро-шлягер».
10.00 «Ҳақиқат онлари».
10.55 «Азъ есмь».
11.25 «Янги чизиқ».
11.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 271-серия.
12.45 «Мусиқа йирик планда».
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.05 «Телегазета».
14.10 «Сайёрадош қўшиғлар».
14.40 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати.
15.40 «Янги чизиқ».
16.25 Болалар учун янгиликлар.
16.40 «Рост» студияси.
17.10 «М-трест».
17.25 Эй-Би-Сининг дунё янгиликлари.

*

18.00—20.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 272-серия.
21.10 «Ностальжи» — барча авлодлар мусиқаси».

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 «Қўққисдан ёки газета билан содир бўлган воқеалар».
23.10 «L—клуб».
23.55 Криминал хабарлар экрани.
00.10 «Экзотика».

Пайшанба, 27. I

● УзТВ I

7.00 — 9.10 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.10 «Митти циркчи». Бадиий фильм.
10.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.25 Уқитувчи экрани.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Солиқ инспекцияси фаолиятидан».
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Тоғнинг гули ўзгача». Телефильм.
19.40 «Узбекистон — Ватаним маним». Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Узбекистон» ахбороти.
20.50 «Иқтисод сабоқлари».
21.05 «Дельфин индоси». Бадиий фильм.
22.35 Бокс. Узбекистон чемпионати.
23.20 «Узбекистон» ахбороти.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Болалар учун. «Бахт куйлиб боқса».
19.55 «Тошкент оқшомлари».

«ОМАД» таништиради:

21.25 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.50 Футбол. Уэмбли сари йўл.
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм.
13.45 Л. Гурченко қўшиқлари.
14.20 Фахрийлар учун кўрсатув.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Тадбиркор».
16.15 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телефильм. 6-серия.
16.45 Мультфильм.
17.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Лабиринт».
18.55 «Оддий Мария», Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Ленинград учун жанг». Телефильм премьераси («Лентелефильм»).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 25-серия.
22.25 «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз...». О. Берггольц.
22.50 «Матбуот-экспресс».
23.00 «Ғалаба салюти». Улуғ Ватан урушида ғалаба қозонилганлигининг ҳамда Ленинград қамали бекор қилинганлигининг 50 йиллигига бағишланган халқ ижодиёти Бутунроссия фестивали. Санкт-Петербургдан кўрсатилади.
01.00 Янгиликлар.
01.35 Футбол. Уэмбли сари йўл.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула».
8.00 «Янги чизиқ».
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Кетдик».
9.00 Қамал китоби саҳифалари. О. Берггольц.
9.25 «Рек-тайм».
9.55 Мульти-пульти.
10.05 Қамал китоби саҳифалари. Д. Д. Шостакович китоби. «7-симфония».
10.50 Миллий сиёсат хроникаси.
11.20 «Винил чангалзорлари».
11.50 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати.
13.00 Ленинградни фашистлар қамалидан озод қилинганлигининг 50 йиллигига бағишланган маросим. Санкт-Петербургдан олиб кўрсатилади.
14.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.50 «Дунё аёллари». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 7-серия.
15.15 «Янги чизиқ».
16.00 Концерт.
16.15 Қамал китоби саҳифалари. «Параллеллар».
16.45 Болалар учун янгиликлар.
17.00 «Рост» студияси.
17.30 Эй-Би-Сининг дунё янгиликлари.

*

18.00—20.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 273-серия.
21.00 «Мен—йўлбошчиман».
21.25 Петербург тарихи. «Ленинград ҳақида қўшиқ».
21.55 «Ҳеч ким унутилмайди».

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 Спорт кўрсатуви.
22.50 Криминал хабарлар экрани.
23.00 Менинг Ватаним. «Ленинград остоналаридаги ғалаба байрами».
23.55 Қамал китоби саҳифалари. «Ғалаба илми».
00.25 «Ҳарбий мусиқа оркестри».

Жума, 28. I

● УзТВ I

7.00 — 9.10 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.10 «Тўртинчи доирадаги бир кеча». Бадиий фильм.
10.30 Уқув кўрсатуви. Кимё.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 «Унутилган ўйинлар». Телефильм.
11.30 Уқув кўрсатуви. Узбекистон халқлари тарихи.
12.00 «Усмир ва қонун».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Тилларанг ришталар жозибаси». Телефильм.
18.25 «Фан ва ишлаб чиқариш».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Ҳофизлар хониш қилганда...».
20.00 «Узбекистон» киножурнали.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Узбекистон» ахбороти.
20.50 «Биз танлаган йўл».
21.20 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.30 «Узбекистон» ахбороти.
22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Мўъжизакор гўзаллик сири». Телефильм.
19.40 Болалар уйлари ва мактаб ўқувчилари бадиий ҳаваскорларининг кўриги.
20.30 «Узбекистон» ахбороти.
20.50 «Ретро-концерт». Л. Куравлёв.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Қувноқ нотачалар».
9.40 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Кичкина деманг бизни...». Бадиий фильм.
11.00 Мультфильмлар.
11.20 «Қуёшли ўлка оҳанглари».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 П. Штейн, И. Ицков. «Биз бўлган жойда». Москва «Ленком» театрининг фильм-спектакли.
13.40 «И. С. Козловский ижро этади». Фильм-концерт.
14.30 «Хонаки театр».
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хроникаси».
15.35 «Бридж».
15.55 «Бизнес-класс».
16.10 Мультфильм.
16.30 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Кичкина деманг бизни...». Бадиий фильм.
17.50 «Мулкдор алифбоси».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Маданият янгиликлари.
18.40 «Инсон ва қонун».
19.15 АҚШдаги руслар.
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 26-серия.
22.30 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
22.50 «Оба-на».
23.30 «Максима».
24.00 «Матбуот-экспресс».
00.15 «Музобоз».
01.00 Янгиликлар.
01.35 «Х» программаси.
01.50 «Хит-конвейер».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула».
8.00 Мульти-пульти.
8.10 «Янги чизиқ».
8.30 «Ишбилармон кишилар даври».
9.00 «Кетдик».
9.10 «Ностальжи» — барча авлодлар мусиқаси».
10.00 «Ўз манзили».
10.30 Мульти-пульти.
10.40 «Мастер-класс». Г. Вишневская.
11.25 «Янги чизиқ».
11.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 272 ва 273-сериялар.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия телевизион театри. С. Мрожек. «Очиқ денгизда».
14.50 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати.
15.50 Жума кунлари Дисией. «Оқ айиқ изидан». Бадиий фильм. 1-серия.
16.40 Болалар учун янгиликлар.
16.55 «Россияда бизнес».
17.25 «Телегазета».
17.30 Эй-Би-Сининг дунё янгиликлари.

18.00—20.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 «Овросиё-ТВ» таништиради: «Террор сафари». Бадиий фильм. 1-серия.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 Спорт кўрсатуви.
22.45 «К-2» таништиради: «Перпендикуляр кино».
23.40 «Юлдузли ёмғир».
00.40 Тунги сеанс. «Додлаб йиғлагим келяпти». Бадиий фильм (Польша).

Шанба, 29. I

● УзТВ I

7.00 — 9.10 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.10 Республика газеталари-шарҳи.
9.25 Инглиз тили.
9.55 «Узбекистон спорти».
10.15 «Қорақалпоқ болалари».
10.35 Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят театрининг «Амир Темур» спектакли.
12.45 «Тафаккур гулшани».
13.20 Футбол. Голландия чемпионати.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Мактабда Алифбе байрами».
18.20 «Оламни асранг».
19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Тановор» миллий рақс ансамблининг концерти.
19.50 «Ишбилармон».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Узбекистон» ахбороти.
20.50 Халқаро шарҳловчилар даврасы.
21.20 «Ёшлик» студияси. «Зиё».
22.30 «Узбекистон» ахбороти.
22.50 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● УзТВ II

19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Болалар учун. «Қиш эртаги ёки қалб қувончлари».
19.45 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Узбекистон» ахбороти.
20.50 «Кинотриада».

● «ОРБИТА IV»

6.45, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.50 Эрталабки бадантарбия машқлари.
7.00 «Матбуот-экспресс».
7.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Моторлар оламида».
9.00 «Марафон-15» таништиради...
9.30 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
10.55 «Тонгги почта».
11.25 «Лаззат».
11.40 «Тиббиёт ҳамма учун».
12.10 «Марафон-15».
12.50 «Мен—аёлман».
13.20 Шимолий Осетияда хизмат кўрсатган артист Ф. Царикати куйлайди.

«КТВ-І» қамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:

14.00 «Пиф ва Гернулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
14.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*

15.00 Янгиликлар.
15.25 «Пеппи Узунпайпоқ». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
15.50 «Вагон 03».
16.30 «Спорт ва санъат».
17.20 «Эрмитаж». Кўп серияли телефильм премьераси. 2-фильм.
17.50 «Ҳайвонот оламида».
18.30 «Ҳафтанинг акс садоси».
19.00 «Қойилмақом еттовлон».
19.50 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Қойилмақом жуфтлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Коламбия ликчерс» таништиради: «Тақдир ҳазиллари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
22.25 «Янги душанба». Дам олиш кўрсатуви.
23.40 «Менинг уйим — бу менинг либосим». Телефильм.

«Сио-видение» тунги канали

00.10 Хонанда И. Аллегрова портретига беш чизги.
00.40 «Тунги хит».
01.40 «Автоэкспресс».
01.50 «Тунги хит»нинг давоми.
02.30 «Дебют». Танаффус пайтида (01.00) — Янгиликлар.

*

02.50 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ҳужжатли фильм.
8.45 «Рост» студияси.
9.15 «Сиз яратган боғ».
9.45 «Лад» — галерея».
10.15 «Чегарасиз футбол».
11.10 Киномарафон. М. Горький номли студия фильмлари. «Ильич заставаси». 1-серия.

*

13.15—17.05
«УЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

13.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
13.25 «Ҳамкорлик йўлидан».
14.00 «Немислар ҳаётидан».
14.40 «Умид» (уйғур тилида).
15.20 «Анор меваси». Леонард Дузе ижоди.
16.05 «Кашфиётлар оламида».
16.50 «Бу ажиб дунё».

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.05 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
17.50 «Ҳар бир кун байрам».

*

18.00—20.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.10 Киномарафон. «Тўртинчи ҳокимият». Бадиий фильм.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Мутлақо махфий».
23.20 Катталар учун мультфильм.
23.35 «К-2» таништиради: «Америка юлдузлари».
00.05 «Фильм-премьер».
00.25 Тунги сеанс. «Улимнинг қизил ниқоби». Бадиий фильм (АҚШ).
01.55 «А» программаси.

Якшанба, 30. I

● УзТВ I

7.00 — 9.10 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.10 «Цирк! Цирк! Цирк!».
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
10.40 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 51—52-сериялар.
12.10 «Таълим ва ислоҳот».
12.40 «Қишлоқ ҳаёти». Публицистик кўрсатув.
13.40 «Сиз кутган дақиқалар».
14.15 Тижорат канали. «Ватанинг равнақи — ишчидандир».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
18.30 «Санъат оламида».
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 «Ойнан жаҳонда».
19.50 «Якшанба оқшомида».
20.30 «Ҳафтанома».
21.10 «Узанини топар дарёлар».
22.00 «Театр учрашувлари».
23.00 «Ҳафтанома».
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

«ОМАД» таништиради:

17.00 «Мультфейерверк».
17.15 «Курьер».
17.30 «Юлдузли осмон».
17.45 «Ёш тижоратчининг оддий кунлари».
17.55 «Ҳар соҳадан бир шингил».
18.05 «Совға».
18.30 «Салом, ёшлар!».
18.55 «Даракчи».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Видео-О».
20.40 «Курьер».
20.55 «Ҳар соҳадан бир шингил».
21.15 «Даракчи».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Видео-О».

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.15, 22.45, 01.15 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.55 «Руҳни чиниқтириш».
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Телесеренада». Мусиқия дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Арт-курьер».
9.30 «Эрта саҳарлаб».
10.00 «Полигон».
10.30 «Спортлото».
10.45 «Ҳамма уйдалигида».
11.15 «Тонг юлдузи».
12.05 «Рус оламы».
12.45 Киноҳақиқатми! «Олтин юлдуз кавалери». Бадиий фильм («Мосфильм», 1950 й.).
15.00 Янгиликлар.
15.20 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
16.00 «Саёҳатчилар клуби».
16.50 «Ҳунарли хор бўлмайди».
16.55 Мультфильмлар премьераси: «Мушук Феликс», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
17.50 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.30 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.45 Мультфильм.
19.05 «Юмор антологияси».
19.50, 22.50 Томошалар ҳамда оммабоп куйларга «Овация» миллий мукофотини топшириш бағишланган тантанали маросим.
22.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
23.45 Футбол. Халқаро турнир. Ҳамдўстлик мамлакатлари чемпионларининг кубоги.
24.00 «Эндиликда». Диний кўрсатув.
01.00 Янгиликлар.
01.20 М. Финберг оркестри чалади (Беларусь).

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ҳужжатли фильм.
8.50 Мульти-пульти.
9.05 Хайрли тонг! «Чемпионлар учун нонушта».
9.35 Катта хоккей.
10.05 «Рост» студияси.
10.35 Кипрас Мажейка. «Кичик Европа»дан репортажлар.
11.05 «Аты-баты...».
11.35 Киномарафон. М. Горький номли студия фильмлари. «Ильич заставаси». 2-серия.
13.35 «Здоровье».
14.05 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.25 «Кесиб ташламанг...».

*

14.40—18.25
«УЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

14.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
14.50 «Ягона дунё, ягона иқтисодиёт». Халқаро валюта фонди ҳақида.
15.35 «Безнен мирас» (татар тилида).
16.15 «Замандас». Сабит Налибаев ҳақида телеочерк (қозоқ тилида).
16.50 «Чинсэн» (корейс тилида).
17.25 Хорижий тароналар.
18.10 «Бу ажиб дунё».

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.25 «Оқ қарға».
19.10 Диснейнинг сеҳрли олами. «Қора плашч». «Гуфи ва унинг командаси».
20.00 «Ҳар бир кун байрам».
20.10 Си-Би-Эс кинотеатри. «Хайрли тун, хотижон!». Бадиий фильм.

*

22.00—23.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
* *
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.05 «Юлдузли ёмғир».
00.10 Стас Намин маркази (Эс-Эн-Си) таништиради: «Сариқ сувости кемаси» клуби.
00.40 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати. Ярим финал.

АДИБ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўлмас УМАРБЕКОВ—60 ёшда

Умр бир оқар дарё, дейишади. Қаранг-а, куни кеча унинг «Хатингни кутаман» номли биринчи ҳикоясини «Қизил Ўзбекистон» («Ўзбекистон овози») газетасида ўқиганим ёдимда. Мазкур асар газетанинг ўша йилги энг яхши ҳикояси сифатида совринга ҳам эга бўлган эди. Мана, шунга ҳам қариб қирқ йил бўлибди, муаллиф эса роппа-роса олтмиш ёшга тўлибди. Во, ажаб?! Бунча тез ўтмаса умр, дейсан, киши. Кўп ўтмай ўша муаллифнинг яна бир янги «Бобоёнғоқ» деган ҳикояси пайдо бўлиб, анча-мунча шовшувларга ҳам сабаб бўлди. Тезда эл ва жамоатчилик оғзига тушиб яна соврин олди ҳам. Ҳозир ўйласам, ўша «Бобоёнғоқ» ҳикоясида ёзувчи қарийб бундан ўттиз-ўттиз беш йил олдин табиат, инсон, жамият олдида пайдо бўла бошлаган катта бир офат — фожейи муаммони— экология муаммосини кўтариб чиққан экан-у, ғофил бандалар бунга эътибор қилмаган эканмиз. Балки шундай фожиавий ҳолатларни бадиий ифода этган асарларга лоақал ҳаёт ҳақиқати кўзи билан қулоқ тутганимизда Орол фожеаси ҳам содир бўлмасмиди?!

Бинобарин, истеъдодли ёзувчи ва моҳир драматург Ўлмас Умарбеков адабиётимизнинг қутлуғ даргоҳига ана шундай катта-катта ҳаётий муаммоларни дадил кўтарган ҳолда кириб келди. Шундан буён ўтган йилларда яна қанча дарёлар оқиб ўтмади, дейсиз. Адиб эса ҳамиша, ҳамма вақт ижодий изланишда давом этди. Ва яна унинг қанчадан-қанча долзарб мақола ва очеркларидан, юзлаб ҳаётбахш ҳикоялари, ўнлаб баҳс, муаммолар тўла ўқимишли қиссалари дунёга келди. «Одам бўлиш қийин» каби романи билан ўзбек романчилигида эътиборли қадам қўйди, десак хато бўлмайди. Романда Абдулла ва Гулчеҳраларнинг фожиавий тақдирларини умумлаштириш орқали жамиятнинг маънавий таназзули ҳақида бонг урди, хусусан, ёшларни огоҳ бўлишга чорлади. Бунда ёзувчи ўз ижодий услубига содиқ қолиб, воқеалар ва ҳарактерларнинг ташқи ҳолатини эмас, ички, маънавий дунёсини очиш йўлидан бориб, тасвирда чуқур психологизм йўлини тутди, қаҳрамоннинг фикрловчи типини олға сурди. Балки «Одам бўлиш қийин» романи худди шу жиҳатлари билан Республика ёшлар мукофотига сазовор бўлган бўлса, ажаб эмас. Бинобарин, Ўлмас Умарбеков ҳикоя ёки очерк ёзадими, қисса ва роман яратадими, яна қандай усул ва услубдан, бадиий воситалардан фойдаланадими, у ҳамиша бир улуғ мақсад сари интилиб келганлигини кузатиш мумкин. Бу камолот инсон учун, унинг маънавияти, имони, виждони, эътиқоди, бурчи бутунлиги ва тўлалиги, мукаммаллиги учун курашишган иборат эди. Ёзувчи билан бўлган бир суҳбатда адибнинг ўзи буни эътироф этиб: «Мен учун ҳаётда энг қизиқарлиси, энг сирлиси инсон. Кексами, ёшми, аёлми, эркакми бари бир инсон!»,— деб қайд этган эди. Худди ана шу ички руҳиятни, маънавий дунёни кашф этиш орқали камоли инсон қиёфасини ярата олиш маҳорати Ўлмас Умарбековни айни чоғда ҳалқчил адиблар сирасига олиб кирди.

Шунингдек Ўлмас Умарбеков моҳир ва етук драматург, қолаверса кинодраматург сифатида ҳам адабий жараёнда ўз ўрнига эга. Унинг «Суд», «Комиссия», «Қиёмат қарз», «Кузнинг биринчи куни», «Шошма, қуёш!», «Аризасига кўра», «Курорт», «Ер ёнганда» каби саҳна асарлари замонавий ўзбек драматургияси ривожида муҳим босқич деса бўлади. Шунингдек адибнинг «Икки солдат ҳақида қисса», «Ўзгаларни деб», «Баланд қорли тоғдаги учрашув» каби кинофильмлар учун ёзилган сценарийлари ҳам унга шуҳрат келтирди. Агар «Икки солдат ҳақида қисса» фильми учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига (1977) сазовор бўлган бўлса, театр санъати олдидаги хизматлари учун эса унга 1984 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» деган юксак фахрий унвон берилди. Чиндан ҳам эътибор қилинса, унинг саҳна асарларида одатдагидек катта бир тарихий воқеалар, бурилиш ёки тўнтарилиш даври муаммолари, мавзулари эмас, балки кундалик оддий воқеалар замондошлар ўй ҳаёллари, орзу-армонлари, бахти ва фожеаси, баъзан оддий томошабин виждон муаммосини умумий тарзда ёки одатдагидек ўртага қўймайди, балки қим уни қандай тушунади, деган нозик томонига урғу беради, шу тарзда ҳақиқат ва разолат, адолат ва туҳмат, ғўзаллик ва тубанлик, эзгулик ва зулм ўртасидаги доимий курашдан иборат ҳаётий муаммонинг оқибатини кўрсатишга интилади. Адиб қайси мавзуда, қайси жанрда ижод қилишидан кўра унинг сифати, бадиий —эстетик даражаси муҳим роль ўйнайди. Шу маънода адибнинг сўнгги йилларда яратган бир неча ҳикоялари, хусусан, «Ойнинг олтин ўроғи», «Бўрибосар», «Ер ёнганда» каби асарлари адабий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

Камина бугун Халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбеков ҳақида, унинг ижоди ҳақида айрим фикрлар ва хулосаларни ўртага кўяр эканман, у билан бўлган кўплаб ижодий учрашувлар ҳақида ҳам баъзи хотираларни қайта жонлантиргим келди. Нега? Ўйлашимча, бундай учрашувлар, кечишни эслаш, хотиралашнинг оз бўлса ҳам сабоқлари бўлади.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. 50-йилларнинг охири эди, чамамда. Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасида (Собиқ 1-май кўчаси, 20-уйнинг иккинчи қаватида эди, ҳозирги Абдулла Тўқай кўчаси) йиллик адабий ҳосил кўтарилган палла, баҳслар эса авжида. Шу баҳсда Учқун Назаровнинг «Одамлар», Ўлмас Умарбековнинг «Бобоёнғоқ» каби ҳикоялари тилларга тушиб қолди.

Катта адиб Абдулла Қаҳҳордек талабчан устоз ҳам ҳар икки муаллиф асарига нисбатан илиқ сўзларни айтди. Ёнимда ўтирган шоир Қудрат Ҳикмат шунда олдинги қатордаги Ўлмасни кўрсатиб, у яхши йигит, камтар, истеъдодли бола, деди. Мана шунда у билан юзма-юз учраша олмасак ҳам унга жуда-жуда ҳавасим келди. Ахир Абдулла Қаҳҳордек ҳам меҳрли, ҳам ўта талабчан адиб эътиборига тушиш ҳазил гап эмас эди. Кўп йиллар бўлди, август ойи охирларида мени ёзувчилар уюшмасига чақиришгани эсимда. Маълум бўлишича бир гуруҳ адиблар Фарғона сафарига отланишаётган экан. Рўйхатда Собир Абдулла, Ҳаким Назир, Саид Аҳмад, Чарҳий домла, Эркин Носиров, Иброҳим Раҳим, Шуҳрат ака, Охунжон Ҳакимов ва мен ҳам бор эдим. Профессор Лазиз Қаюмов гуруҳ раҳбари экан. Кўпчилигимиз довон орқали «Латвия» микроавтобусида боратуриб, йўлда чой-пой ичиш баҳонасида бироз дам олган бўлдик. Гуруҳ раҳбари менга юзланиб, биринчи бор Ўлмас билан юзма-юз таништирди.

Унинг «Ёз ёмғири» қиссасининг пайдо бўлиши янги бир баҳсни бошлаб берди. Шундай кунларнинг бирида уйимга қўнғироқ бўлганлигини эслайман. Бу ўша Ўлмас Умарбеков эди. Марказқўмда ишларди. Маълум бўлишича, уни Қашқадарёга, аниқроғи Ҳамид Олимжон номли педагогика институтига, «Ёз ёмғири» муҳокамасига таклиф этишган, камина ҳам бориши лозим экан. Чамамда январь охирлари эди, об-ҳаво паст бўлганлигидан поездда жўнашга тўғри келди. Суҳбат авжига минганидан на ухлабмиз, на тонг отиб, етганимизни пайқамабмиз. Мен уни аввалдан таниб, асарларини ўқиб юрган бўлсак ҳам шахс сифатида яхши билмас эканман. У аввало бир дилбар инсон, тафаккури кенг ва чуқур, миллатпарвар, элпарвар, аммо ўта оддий, фидойи бир инсон экан. Ана ўша суҳбатда айтган унинг бир фикри ёдимдан кетмайди. «Бадиий асар,— деган эди у,— одамни кулдириши, йиғлатиши, унда фожиа юз бериши — бермаслигидан қатъий назар, кишини ўйлатиши керак». Ҳа, чиндан ҳам ўйлатмаган асар китобхон қўлидан тезда тушиб қолади, бу ҳақиқат! Билмадим, шу фикр сабаб бўлдими, мен адиб асарларини ўқиганда ҳамиша ўша мезон билан қарашга ўрганиб қолдим. Кузатадиган бўлдим. Унинг асарларидан ўша фазилатларни топганимда адиб муваффақиятига қувонадиган ҳам бўлдим. Эсласам, ўша «Севгим-севгилим», «Кимнинг ташвиши йўқ», «Ёз ёмғири», «Одам бўлиш қийин» каби насрий асарларининг бирортаси ҳам бебаҳс кечмаган. Адиб асарларининг ҳамиша баҳсли бўлиши, доимо ўйлатиши балки шундандир. Китобхонга яқинлити, суюклилиги ҳам шундан эмасми?

Бинобарин, мен адиб билан учрашганимда ёки мулоқотда бўлганимда ҳар сафар нимадир бир сабоқ қолади. Ўлмас эллик ёшга тўлганида «Шарқ юлдузи» ойномасидан қўнғироқ қилишиб, бир мақола ёзиб беришимни сўрашди. У ҳақдаги биринчи мақолам ўша 1984 йилда чиққан эди. Бироқ, нимадандир кўнглим тўлмас эди. Билсам адиб ҳақида, унинг ижодий фазилатлари, сабоқли хусусиятлари ҳақида айтилмаган анча гапларим қолиб кетган экан. Ана шу ойномадаги у билан бўлган ижодий учрашув адиб ҳақида бир рисола ёзишга даъват этди. Бунга икки сабаб ҳам бор. Бири адиб ижодининг ўзи бадиий баркамоллиги, бадиий-маънавий сифати баландлиги бўлса, қолаверса, инсон сифатида беғубор, самимий ва энг муҳими, камтарин, камсуҳан, олийжаноб эканлигида бўлди. Бу ҳолат менга яна бир сабоқни эслатди. Устоз Мақсуд Шайхзода қўлида таълим олганман, Ойбек домладан таҳсил кўрганман. Ўнлаб адиблар билан иш юзасидан мулоқотда бўлганман, сафарларда, анжуманларда қатнашганман. Шу боис ҳар бир адиб шахси билан унинг ижодини, қаҳрамонлар орасидаги маънавий-ахлоқий узвийлиқ ва сифатларни қиёслаб кўрганман. Ўлмас шахси ҳам, яратган қаҳрамонлари маънавияти ҳам худди устозларникидек бир бирига пайванд бўлиб кетганлигига иқрор бўлганман.

Биз ҳар гал у билан учрашганимизда ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг самимийлигига, муомала маданиятининг тиниқ ва юксаклигига қойил қоламан. Билсам, оилада ҳам худди шу файзли муомила мароми ҳоким экан. Сўнгги бор у билан Дўрмонда, унинг дала ҳовлисида учрашган эдим. Бу гал уни кўриб негадир Ойбек домлани эсладим.

Ўлмас ҳам бахтли, баъзан ташвишли, оғир, бетоб дамларда эса унинг ҳам Зуҳрахон исмли ҳаёт ҳамроҳи, меҳрибони, Умида исмли дилбар қизи ҳамиша унга эш. Ўлмас эса яна ўз халқи, она адабиёти хизматида фидойи меҳнат билан банд. Ҳа, у чиндан ҳам ва ҳар томондан «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган юксак шарафга муносиб адиб. Зеро у билан азиз китобхон каби камина ҳам яна кўп ва хўп учрашувларга муштоқман. Қутлуғ ёшинг муборак ва хайрли бўлсин, дегим келади унга.

Собир МИРВАЛИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор.

ШАҲРИМИЗ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

«ҚЎЙЛИҚ ОТА» МАҚБАРАСИ

Шу кунларда шаҳримизга кириб келиш марказларидан бири бўлган Қўйлиққа борсангиз 5-трамвай айланиш (бозор ёни) қисмида ажойиб бир мақбара қад ростлаётганининг гувоҳи бўласиз. Мақбара баландликда бўлгани учун узоқдан ҳам кўзга ташланади.

— Бир неча ўн йиллар мобайнида Қўйлиқ ота қабри қаровсиз, кўримсиз бўлиб ётар, ҳатто бу ерда қабр борлиги ҳам унутилаёзган эди,— дейди «Қўйлиқ ота» маҳалла оқсоқоллар маслаҳатчилари йиғинининг раиси Муҳайё опа Исмоилова,— мана энди аҳоли хайриялар ҳамда ҳашар йўли билан мақбарани тез орада тиклади. Қўли гул хоразмлик усталар бу ишга бош-қош бўлишди. Тошкентнинг наққош усталари таъмирлаш ишларини бошладилар. Томи эса шарқ услубига мос ялтироқ тунукалар билан копланади. Зокиржон Каримбеков, Хуснидин Сайдалиев сингари маҳалла фаоллари қурилишда ибрат кўрсатишмоқда.

Қўйлиқ ота мақбарасини тиклаш учун ҳозирнинг ўзида ҳайр-эҳсон ва ҳашар йўли билан 12 миллион сўмлик иш бажарилди.

— Лекин ҳали иш кўп,— дейди М. Исмоилова.— таъмирлаш, томини ёпиш, ободонлаштириш, зиёратчилар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида кўпгина ишлар қилишимиз зарур. Бунга кўнгли очиқ халқимиз, шаҳримизга ташриф буюраётган меҳмонларимиз ўз ҳайриялари билан катта ёрдам бермоқдалар.

Ҳа, «Қўйлиқ ота» мақбараси — шаҳримиз кўрки бўлиб қолади. Ёдгорлик битгач яна бир зиёратгоҳ марказга эга бўламиз.

Исматулла РУСТАМОВ.

АЛАВИЯ НОМЛИ МАКТАБ

ЯҚИНДА Мирзо Улуғбек туманидаги 148-ўрта мактабга ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан фольклоршунос олима, етук ижодкор Музайяна Алавия номи берилди. Ана шу муносабат билан Республика маънавий-маданият тарғибот маркази мактабда олиманинг ҳаёти ва ижодига бағишланган катта тадбир уюштирди. Чиройли безатилган саҳна атрофида ижод оламининг таниқли кишилари — олимлар, ўқитувчилар ҳамда ижодкорнинг қариндош-уруғлари йиғилдилар.

Республика маънавий-маданият тарғибот маркази директори, фалсафа фанлари доктори Турғунбой Саксонов ушбу кечани очар экан, Музайяна Алавиянинг эл-юрт олдидаги хизматларига юксак баҳо берди. Аждодларимизнинг бебаҳо меросини янги авлодга етказишдек савобли ишга қўл урган инсонни халқимиз унутмайди, деди у.

Филология фанлари номзодлари — Т. Ашуров, С. Йўлдошева ҳамда олиманинг укаси Рашодхон Алавийнинг Музайяна Алавия ҳақидаги хотиралари, олиманинг ижод йўли хусусидаги ғоят таъсирчан сўзлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Алавиянинг ташкил этилажак музейига хилма-хил эсдаликлар топширилди.

Шу куни кишиларнинг дил сўзлари қўшиқ ва рақсларга кўчди. Юқоричирчиқ тумани маданият уйи қошида фаолият кўрсатаётган Баҳриниса ая Пардаҳўжаева раҳбарлигидаги «Муножот» фольклор этнографик дастаси ҳамда мактаб ўқувчилари олима тўплаган халқ қўшиқларидан намуналар ижро этдилар. Ушбу тадбирни ташкил қилишда Республика маънавий-маданият тарғибот маркази ходимлари Шоира Сатторова ва Раҳмон Матғоиповларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Х. ТУРОН.

● **СУРАТДА: олиманинг укаси Р. Алавий эсдалик совғаси топширмоқда.**
М. Миржалолов олган сурат.

ЖАМОАТЧИ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР БЕРАДИ

ТОМОША ЗЎР БЎЛДИ

БОЗОР иқтисодиётига ўтилаётган мураккаб бир даврда ҳам халқимиз ўзининг азалий эътиқодларига содиқ қолиб, меҳмондўстлик, меҳр-мурувват кўрсатиш борасида барча халқларга ибрат бўлмоқда. Шу боис ҳам юртимиз тинч ва ободдир. Зотан, ўтказилаётган ҳар бир тадбир замирида меҳр-оқибатга чорловчи туйғулар ётибди. Яқинда ёш томошабинлар театри биносида Тошкент вилояти маданият ва халқ таълими бошқармалари «Баҳор» маданият-ахборот маркази билан ҳамкорликда вилоят ҳудудида яшаётган кам таъминотли оилалар фарзандлари ҳамда мактаб-интернат ўқувчилари учун махсус янги йил томошалари уюштирди. Томошаларда кичкинтойлар қорбобо ва қорқиз билан учрашдилар, эртаклар оламига саёҳат қилдилар. Ана шу ташкилотлар оталиғидаги томошалар шунингдек, Олмалиқ, Ангрен ва Бекобод шаҳарларида, Бўстонлиқ туманида ҳам бўлиб ўтди.

Ғ. ТУЛАГАНОВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

• ЭЪЛОН • • ЭЪЛОН •

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ЮК ТАШИШМИ?! МАРҲАМАТ! «ТОШШАҲАРЮКТРАНС» ХИЗМАТИНГИЗГА ДОИМ ТАЙЁР!

«ТОШШАҲАРЮКТРАНС» концерни автокорхоналаринининг ҳайдовчилари юк ташишда шаҳарда энг тажрибали ҳисобланишади.

Сизларнинг хизматингизни бажариб бериш учун турли хилдаги ва ҳар қандай оғирликдаги юкларни кўтара оладиган автомобилларга эгамиз.

Юкларингизни тез ва эҳтиёткорлик билан ташиб беришга

КАФОЛАТ БЕРАМИЗ

Сизларнинг барчангиз бизнинг мижозларимиз бўлишингиз мумкин!

Хизмат қаҳи—арзон ва имтиёзли, тўлов шакли — сизнинг ихтиёрингизда.

Бизнинг хизматимиздан фойдаланиб қолинг!

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Хожиб кўчаси (собиқ Педагогика кўчаси), 14-уй.

Телефонлар: 56-70-06, 56-14-06, 56-82-17.

Телетайп: 116169 «ЭЛИТА»

Факс: 56-04-00.

МАДИНА РЕКЛАМА ФИРМАСИ.

ЎЗГЕОЛБАНК

"Геология конларни қидириш" тармоғини ривожлантириш Ўзбекистон тижорат банки "ЎЗГЕОЛБАНК"нинг 1994 йил 1-январигача бўлган БАЛАНСИ

Моддаларнинг номи	Сальдо	
	Актив	Пассив
Устав фонди	—	453
Заҳира фонди	—	16
Махсус ва бошқа фондлар	—	19
Марказий банкдаги кредит маблағларни тартибга солиш фонди	892	—
Марказий банкдаги корреспондентлик ҳисоби	8.704	—
Мижозларнинг олди—берди ҳисоблари ва депозитлар	—	9.794
Банк берган қарзлар ва депозитлар	668	—
Бошқа пассивлар	28	10
Бошқа мақсадлардаги маблағлар	58	—
Йиллик фойда	—	58
Баланс:	10.350	10.350

1993 йилда банк жаъми 104.515 минг сўм даромад олиб, 46.305 минг сўм ҳаражат килди. Банкнинг соф фойдаси 58.210 минг сўмни ташкил қилди.

Балансга оид маълумотлар "Узбанкаудит" акционерлик жамиятининг 1994 йил 6 январдаги 01—001/10 сонли хат билан тасдиқланган.

"ЎЗГЕОЛБАНК" ИШОНЧЛИ МИЖОЗЛАР БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШГА ТАЙЁР!

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, 700015, Т. Шевченко кўчаси, 11-уй.

Телефонлар: 56-02-19, 56-06-39, 56-13-23.

ҲАР ТЎҒРИДА

ТРАМВАЙ БИЛАН... ХОНАДОНГА

● **ВАРНАУЛ шаҳрида рўй берган мана бу ҳодисани қўрқмасдан Гиннеснинг рекордлар китобига киритиш мумкин. Бу ерда тунда Гасковларнинг хусусий уйига... мутилмаганда трамвай яшиндек кириб келди.**

Иккинчи трамвай депосининг ҳайдовчиси Анатолий Плясов тунда «Вихрь» қор тозалагичида яқин ўртадаги ҳамсояларидан ароқ топиб келиш учун йўлга чиқди. Ўзи билан ҳамтовоғини ҳам олволди. Белгиланган ерга етганда Плясов трамвайдан сакраб тушиб, қайсидир бир уйга кириб кетди. Шериги эса, у қайтгунча, бироз сайр қилиб келишни хушлаб қолди. «Нўхтаси бўшатилган» трамвай ғизиллаганча юриб кетди. Соатига 50 километр тезликда елиб бораётган трамвай биринчи муюлишдаёқ бир сакраб, асфальт устидан сирпаниб кетабошлади. Ана шу ғайри қонуний бир алпозда кўча бўйлаб йигирма беш метрча сирпаниб боргач, қаршидаги уй деворига зарб билан урилди... Не бахтки, уй ичидатиларнинг биронтаси ҳам шикастланишмади.

●

ВОРКУТАЛИК ГЕРКУЛЕС

● **ВОРКУТАЛИК оғир атлетикачи Виктор Таланцев яқинда бир пудли тошларни кўтариш бўйича Россиянинг янги рекордини ўрнатди.**

Тўрт соату ўттиз тўрт минут мобайнида у ўнг ва чап қўли билан галма-гал бир пудли тошни 4.080 марта боши узра даст кўтарди. Бу унинг ўзи бир йил аввал ўрнатган рекорддан 50 марта кўпдир. Виктор кўтарган жами юк 65 тонна-ю 280 килограммга тенг бўлиб, бир ватон кўмир оғирлигидан зиёдроқдир.

Воркуталик полвоннинг номи 1990 йилдан буён «Гиннес рекордлари китоби»да мунтазам қайд қилиб келинади. Ўйлаймизки, унинг янги рекорди ҳам китоб муаллифлари эътиборидан четда қолмайди.

ҲАР ТЎҒРИДА

Тошкент ҳақиқати
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:
ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

● Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.
● Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 8. Буюртма Г—741. 20.674 нусхада босилди, ҳажми—3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. коғоз бичими А—2. Босишга топшириш вакти—20.30. Босишга топширилди 20.00.